

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ  
ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ

“ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТЕХНИКАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ”  
йўналиши

“ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ДЕТАЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
УСУЛЛАРИ”  
модулидан

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ  
ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ДЕТАЛЛАРНИНИ ТАЪМИРЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
УСУЛЛАРИ”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчилар: т.ф.д., профессор Иргашев А.И**

**ТОШКЕНТ – 2019**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли байруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчилар:** ТДТУ, “Қишлоқ хўжалик техникаси ва сервиси” кафедраси профессори, т.ф.д, А.И. Иргашев т.ф.н., доцент Юнусходжаев С.Т.

**Тақризчи:** Ph.D. Prateer Chandan. Santhgiri College of Computer Sciences

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1-сонли қарори билан фойдаланишга тавсия қилинган.

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>10</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>133</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>28</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>47</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>50</b>
<b>VII. ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР .....</b>	<b>58</b>

## **I. ИШЧИ ДАСТУР** **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ишчи ўқув дастури хизмат кўрсатиш технологик жараёнларини амалга оширишни барқарор ривожланиши; транспорт воситаларига хизмат кўрсатишда уларнинг деталларнини таъмирлашнинг замонавий усуллари; транспорт воситаларинингтехник тайёргарлигини оширишнинг назарий ва амалий асосларини ўрганишни ўзида қамраб олган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Хизмат кўрсатиша деталларнини таъмирлашнинг замонавий усуллари” модулининг мақсади ва вазифаси** – тингловчиларни хизмат кўрсатиш соҳасидаги глобал муаммо транспорт воситаларига хизмат кўрсатиша деталларнини таъмирлашнинг замонавий усуллари бўйича содир бўлаётган замонавий муаммолари билан таништириш ҳамда бу муаммоларни ечиш бўйича дунёдаги энг замонавий технологиялар бўйича уларда билим ва амалий малакаларни шакллантириш, яъни уларнинг бу соҳадаги компетентлигини шакллантиришдан иборатdir.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Хизмат кўрсатиша деталларнини таъмирлашнинг замонавий усуллари”** модулини ўзлаштириш жараёнida амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- хизмат кўрсатишда деталларни механик ишлов бериш, пластик деформасиялаш ва пайвандлаш усулларида таъмирлаш;
- хизмат кўрсатишда деталларни металл ва полимер материаллардан фойдаланиб
- хизмат кўрсатишда тракторларнинг типавий деталларини таъмирлаш таъмирлаш усуллари машина ва унинг двигателини деталларини таъмирлаш жараёнларининг илмий асослари бўйича **билимларга эга бўлиши лозим.**

**Тингловчи:**

- хизмат кўрсатишда машиналар агрегатларининг деталларини ресурсини уларнинг ейилишбардошлигини ошириш;
- хизмат кўрсатишда деталларнинг ейилишбардошлигини ошириш билан машиналар тизимида тўсатдан содир бўладиган носозликлар сонини камайтириш;
- хизмат кўрсатишда машиналар тизими агрегатларининг деталларини эксплуатацион ресурсини уларнинг ейилишини камайтириш йўли билан оширш **кўникма ва малакаларини эгаллаши зарур.**

**Тингловчи:**

- хизмат кўрсатишда машиналар тизимида кўлланиладиган замонавий таъмирлаш ва ишлов бериш усулларидан самарали фойдаланиш;
- хизмат кўрсатишда машиналар тизими деталларини ишлатиш шароитини тўғри баҳолаш йўли билан машина агрегатларини таъмирлаш оралигини кенгайтиришга оид **компетенцияларига эга бўлиши зарур.**

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Хизмат кўрсатишда деталларнини таъмирлашнинг замонавий усуллари”** модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараённида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдами-да презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;  
-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, “Блиц ўйини”, “Венн диаграммаси”, “Ақлий ҳужум”, “Кейс-стади” ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилди.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Хизмат кўрсатишда деталларнини таъмирлашнинг замонавий усуллари” модули ўқув режадаги куйидаги фанлар билан боғлиқ: “Хизмат кўрсатиш технологик жараёнлари”, “Хизмат кўрсатиш корхоналарининг технологик жиҳозлари”.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Бугунги кунда дунёда саноат кескин ривожланганлиги, айниқса транспорт тизимларидан кенг фойдаланиш бир қанча техникивий ва технологик

муаммоларни келтириб чиқарди. Ишлатиш шароитида мобил машиналар тизимининг 80-85% деталлари ейилиш натижасида ишдан чиқиши ҳисобга олинса, деталларни таъмирлашнинг замоновий усулларидан самарали фойдаланиш йўли билан деталарни таъмирлаш сифатини янада ошириш масаласини долзарб масала деб ҳисоблаш мумкин. Хизмат кўрсатишида машиналар тизими деталларини ейилиш бардошлигини оширишда замоновий ишлов бериш ва мустаўкамлигини ошириш технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Модулнинг мақсади малака ошираётган мутахассисларни хизмат кўрсатиши соҳасидаги муҳим вазифа, деталларни таъмирлашнинг замоновий усуллари ва технологияларини қўллаш орқали транспорт тизимлари агрегатларининг деталларинг ейилишбардошлигини ва уларнинг ресурсини ошириш методлари билан таништиришдир, ҳамда бу муаммоларни ечиш бўйича дунёдаги энг замонавий технологиялар бўйича уларда билим ва амалий малакаларни шакллантириш, яъни малака оширувчиларнинг бу услубларни омалга ошириш компетентлигини шакллантиришдир.

### **Модуллар бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Тингловчининг ўқув юкламаси, соат</b>			
		Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Таъмирлаш усулларининг таснифи, деталларни механик ишлов бериш йўли билан таъмирлаш жараёнлари	2	2		
2.	Деталларни пластик деформасиялаш усулида таъмирлаш, деталларни пайвандлаш усулида таъмирлаш жараёнлари	2	2		
3.	Таъмирлашда деталларга электр учуни билан ишлов бериш, деталларни металлаш йўли билан таъмирлаш жараёнлари	6	2		4
4.	Деталларни гальваник металл қоплаш йўли билан таъмирлаш, деталларни пластмасса ва елимлардан фойдаланиб таъмирлаш ва кавшарлаш жараёнлари	2		2	
5.	Корпус деталларни ва валларни таъмирлаш жараёнлари	2		2	
6	Тупроқка ишлов берувчи машина ва ускуналарни тиклаш, экиш машиналарининг ишчи органларини таъмирлаш	2		2	
	<b>Жами:</b>	<b>16</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Таъмирлаш усулларининг таснифи, деталларни механик ишлов бериш йўли билан таъмирлаш жараёнлари.**

Маърузада таъмирлаш турлари ва уларни қўлланиши келтирилади. Деталларни механик ишлов бериш билан тиклашда таъмирлаш ўлчамлари, ўшимча таъмирлаш элементлари, детал қисмларини алмаштириш ёритиб берилади.

### **2-мавзу: Деталларни пластик деформасиялаш усулида таъмирлаш, деталларни пайвандлаш усулида таъмирлаш жараёнлари.**

Деталларга пластик деформасиялаш билан ишлов беришнинг қўйидаги турлари мавжуд: чўқтириш, ботириш, кенгайтириш, торайтириш, накаткалаш ва тўғрилаш. Райвандлаш, асосан, икки турга: материал қисмларини эриш хароратигача мааллий издириш йўли билан эритиб пайвандлашга ва пайвандланадиган деталларни эриш хоратидан пастроқ хоратага қиздириб, ташқи куч таъсири остида сиқиши натижасида пайванд чоки ҳосил қилишга (босим остида пайвандлашга) бўлинади. Эритиб қоплаш пайвандлашнинг бир тури бўлиб, унда детал юзаси эритилган металл ёки қтишма билан қопланади.

### **3-мавзу: Таъмирлашда деталларга электр учунни билан ишлов бериш, деталларни металлаш йўли билан таъмирлаш жараёнлари.**

Электр учунни билан ишлов бериш усули электр эрозияси ҳодисасига асосланган бўлиб, бунда электрод билан детал орасида ҳосил бўлган учқун разрядлари ёрдамида детал электрод материали билан қопланади. Детал сиртига ишлов бериш ўзгармас токда тўғри ва тескари қутблиликда олиб борилади.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Деталларни гальваник металл қоплаш йўли билан таъмирлаш, деталларни пластмасса ва елимлардан фойдаланиб таъмирлаш ва кавшарлаш жараёнлари.**

Таъмирлаш корхоналарида машинанинг ейилган айрим деталлари гальваник (электролитик) металл қоплаш усулида таъмирланади. Бу усул электролиз жараёнига асосланган. Электролитдан ўзгармас ток ўтганда унда содир бўладиган кимёвий жараён электролиз деб аталади. Деталларни таъмирлашда хромлаш ва темирлаш жараёнлари кўпроқ қўлланилади.

### **2-амалий машғулот: Корпус деталларни таъмирлаш, валларни таъмирлаш жараёнлари**

Ушбу машғулотда корпус деталларнинг номлари бўйича уларнинг материали нуқсонлари ва мумкин бўлган таъмирлаш усуллари келтирилади. Валларнинг таъмирлаш жараёнлари уларнинг турлари, тирсакли ва газ тақсимлаш валлари бўйича олиб борилади.

### **3-амалий машғулот: Тупроқса ишлов берувчи машина ва ускуналарни тиклаш, экиш машиналарининг ишчи органларини таъмирлаш.**

Тупроққа ишлов берувчи қисмлар абразив мұхитда ишлаганлиги туфайли улар жадал ейилишга учрайди. Лемехлар, күлтиватор лапалари, юмшатгичлар ва бораналарнинг дискларини чўзиш, кескични пайвандлаб, сормайт билан эритиб қоплаш билан тикланади, отваллар дала тахталари, плуг пичоқлари таъмирланади.

## КЎЧМА МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

**Мавзу: Таъмирлашда деталларга электр учун билан ишлов бериш, деталларни металлаш йўли билан таъмирлаш жараёнлари.**

Модулнинг кўчма машгулотини Тошкент давлат Техника университетининг “Ер усти транспорт тизимлари кафедрасининг лаборатория хоналарида ва “Уз Кейс” қўшма корхонасида ўтказилиши кўзда тутилган. Кўчма машгулотлар жараёнида тингловчилар машиналар тизими деталларини таъмирлаш машина агрегатларининг деталларида содир бўладиган носозликларни бартараф этиш жараёнларини ўрганиш каби малакаларга эга бўладилар.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўқув материали мазмуни устида ишлаётганда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутади.

Модулни ўқитиш жараёнида қуидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот;
- мустақил таълим.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;
- гурӯхли (кичик гурӯхларда, жуфтликда);
- якка тартибда.

**Жамоавий ишлаш** – Бунда ўқитувчи гурӯхларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

**Гурӯхларда ишлаш** – бу ўқув топширигини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гурӯхларда ишлашда (2 тадан – 8 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиш методига кўра гурҳни кичик гурӯхларга, жуфтликларга ва гурӯхларора шаклга бўлиш мумкин. Бир турдаги гурӯхли иш ўқув гурӯхлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутади..

**Якка тартибдаги шаклда** – ҳар бир таълим олувчига алоҳида- алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Венн диаграмма” методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишиган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаллашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишиган қисмига ёзадилар.

#### **“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади»— инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида кўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

#### **“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари**

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;

	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**Кейс.** Ички ёнув двигателлари учун қўлланилганда, машина нормал шароит ишлатилганда двигателнинг қуввати пасайиб, унинг ёнилғи сарфи кўпаймоқда.

### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурӯҳда).
- Двигателнинг қувватини пасайиш сабабларини мухокама қилинг (жуфтликлардаги иш).

### “Блиц-ўйин” методи

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурӯҳларга бирлаштиради ва гурӯҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гурӯҳдошлигини танишириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурӯҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри харакатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшилтирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуийш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йигинди хисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йигинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йигинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

<b>Гурух Баҳоси</b>	<b>Гурух хатоси</b>	<b>Тўғри жавоб</b>	<b>Якка хато</b>	<b>Якка баҳо</b>	<b>Таъминлаш тизимининг</b>
		6			Тирсакл вал бўйинларни ейилиш даражаси ҳаво тозалагич филтирининг ифлосланганликдвигатель картеридаги мойнинг ифлосланганлик даражасини белгилайди. Бунда мойдаги абразив заррачаларнинг миқдорини уларнинг ўлчамини,двигателнинг мойлаш система-сидаги босимни, бўйинлари ва вкладиш ўртасидаги тирқиши текшириш;
		5			Двигательнинг ҳолатини билиш учун двигател цилдрлардаги компрессия даражасини баҳолаш, цилиндрлар ўртасида компрессия фарқи бўлмалиги лозим;
		3			двигателнинг мойлаш системасидаги босимни текшириш, мойнинг босими 0,2 МПа дан кичик бўлмаслиги лозим;
		1			мотор мойи таркибидаги қаттиқ арлашма миқдорини ва унинг таркибини, мойдаги қаттиқ арлашмалар миқдори масса бўйича 0,1% дан ортиқ

					бўлмаслиги талаб этилади;
		2			триксакли вал бўйинлари ва вкладиш ўртасидаги тирқиши текшириш, тиқиши катталашиб кетганда вал бўйинлари таъмир ўлчами бўйича шлифовкаланади;
		4			ёнилғини пуркаш даври, сифати текширилади, пуркалган ёнилғи заррачалари туман қўришида бўлиши лозим.

## НАТИЖАНИ БАҲОЛАШ.

8 та тўғри жавоб учун	“Аъло”
6-7 та тўғри жавоб учун	“Яхши”
4-5 та тўғри жавоб учун	“Кониқарли”

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-мавзу: Таъмирлаш усулларининг таснифи, деталларни механик ишлов бериш йўли билан таъмирлаш жараёнлари.**

**Режа:**

1. Таъмирлаш усулларининг таснифи.
2. Деталларни механик ишлов бериш йўли билан таъмирлаш.

**Таянч сўз ва иборалар:** таъмирлаш усуллари, механик ишлов бериш йўли билан таъмирлаш.

#### **1.1. Таъмирлаш усулларининг таснифи<sup>1</sup>**

Таъмирлаш учун келтирилган деталларнинг аксарият қисмини биринчи гурухга мансуб нуқсонлари бўлган деталлар ташкил этади. Табиий ейилиш оқибатида деталдаги иш юзаларининг ўлчамлари ва геометрик шакллари ўзгаради, бирикмаларда эса ўтқазишлар бузилади. Деталларни таъмирлашнинг қуидаги усуллари қўлланилади пауйвандлаш, эритиб қоплаш, деталларни газотермик қопламалар билан қоплаш, совуқ пластик деформациялаш, қизитиб пластик деформациялаш, галваник қоплаш жараёнлари, полимер материалларни қоплаш, таъмир ўлчамларини қўллаш, қўшимча деталлар қўлаш, химик-термик жараёнларни ўтказиш, электролитик ишлов бериш, электрофизик ишлов бериш, электрокимёвий ишлов бериш, кавшарлаш, термик ишлов бериш.

#### **1.2. Деталларни механик ишлов бериш йўли билан таъмирлаш<sup>2</sup>**

**Таъмирлаш ўлчамлари (ТЎ) усули.** Деталларни ТЎ бўйича тиклашнинг маъноси шундан иборатки, бирикувчи деталларнинг бирортасига таъмирлаш ўлчами бўйича механик ишлов беришдан, бирикувчи иккинчи детални эса янгисига ёки маълум таъмирлаш ўлчами бўйича тиклангани билан алмаштиришдан иборат. Таъмирлаш ўлчамлари сони ва қиймати

<sup>1</sup> Macmillan R.H. The Mechanics of Tractor – Implement Performance. A Textbook for students and Engenders. Theory and Worked Examples, 2002, p.3-5

аввалдан белгиланиши хисобга олинса, ўзаро бирикувчи икки детални бир-бирига боглиқ бўлмаган ҳолда ясаш мумкин. Вал бўйинлари ва деталларнинг тешиклари учун таъмирлаш ўлчамлари қўймати ва сони қандай аниқлашнишини кўриб чиқамиз.

**Вал бўйинлари учун таъмирлаш ўлчамларининг қийматлари ва сонини аниqlаш.** Ишлатилгунга қадар валнинг номинал диаметри  $d_x$  га teng бўлсин, ейилиш натижасида валнинг буйинлари кичиклашиб,  $d_t$  га teng бўлиб қолсин. Валнинг нотекис ейилиши туфайли ейилишнинг максимал қиймати  $\delta_{max}$ , минимал қиймати эса  $\delta_{min}$  бўлсин. Вал буйини ТЎ бўйича тиклаш учун унга  $d_t$ , диаметргача  $x$  қўйим билан механик ишлов берилиши лозим. Унда таъмирлаш ўлчамининг қиймати:

$$d_T = d_H - 2(\delta_{max} + x).$$

## Таъмир ўлчамлариниг қиймати:

## Бириңчи ТҮ үчүн:

$$d_{T1} = d_N - \gamma$$

Иккинчи ТҮ' учун

$$d_{T2} = d_H - 2\gamma$$


n - ТҮ ВЧВН

$$d_{Tn} = d_H - n\gamma.$$

Мумкин бўлган таъмир ўлчамларининг сони аниқлашда деталнинг мустаҳкамлик шартидан фойдаланилади. Тамир ўлчамларининг сони қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$n = \frac{d_H - d_{\min}}{\gamma}.$$

бунда  $d_{min}$  – деталнинг шартини ва нормал таъминловчи валининг диаметри.



1-расм. Тешикнинг таъмир ўлчамини аниқлаш схемаси

**Детал тешикларининг таъмирлаш ўлчамини қиймати ва сонини аниқлаш.** Фараз қиласайлик ишлатилгунга қадар тешикнинг номинал диаметри  $D_H$  гв тенг бўлсин. Ейилиш

натижасида вал жойлашган диаметри  $D_t$  гача катталашсин. Ейилишнинг нотекислиги натижасида максимал ейилиш миқдори  $\delta_{max}$ , минимал ейилиш миқдори эса  $\delta_{min}$  бўлсин. Тў бўйича тиклаш учун тешикка  $x$  қўйим билан  $D_t$  диаметригача механик ишлов бериш керак. Бунда тешикнинг таъмирлаш ўлчами қиуидаги аниқланади:

$$D_t = D_H + 2(\rho\delta_u + x),$$

Детал тешигининг таъмир ўлчамларининг қиймати:

Биринчи ТЎ:

$$D_{T1} = D_H - \gamma.$$

Иккинчи ТЎ:

$$D_{T2} = D_H - 2\gamma.$$

$n$  - ТЎ:

$$D_{Tn} = D_H - n\gamma.$$

Мумкин бўлган таъмир ўлчамлари сонини анниқлаш учун деталнинг мустаҳкамлиги ва ишлаш шароитини ҳисобюга олиш керак. Тешикнинг таъмир ўлчамлари сони:

$$n = \frac{D_{max} - D_H}{\gamma}$$

бунда  $D_{max}$  - деталнинг мустаҳкамлиги ва ишлаш шароитини таъминловчи ейилган тешикнинг максимал рухсат этилган диаметри.

Таъмирлаш ўлчамлари усули билан, асосан, тузилиши мураккаб, баҳоси нисбатан юқори бўлган машина деталлари (цилиндрлар блокининг гилзалари, моторнинг тирсакли ва тақсимлаш валлари) тикланади.

**Кўшимча таъмирлаш элементлари усули.** Таъмирлаш корхоналари амалиётида кўп миқдорда ейилган деталлар тез-тез учраб туради ва уларни номинал ўлчам бўйича тиклашга тўғри келади. Бундай ҳолларда мазкур деталларни кўшимча элемент қўйиш усули билан тиклаш мумкин. Деталларни кўшимча элементлар усулида таъмирлашда ейилган вал бўйнига (ёки детал тешигига) тегишли ўлчам бўйича механик ишлов берилади, сўнгра аввалдан тайёрлаб қўйилган втулка прессланади ва унга вал бўйнининг (ёки тешикнинг) номинал ўлчами бўйича ишлов берилади.

Кўшимча элементлар усули, асосан, тешик ёки валларни гилза ёки втулкалар қўйиш йўли билан тиклашда кўлланилади.

Агар деталлар катта юкланиш ва юқори хароратда ишлатиладиган бўлса, кўшимча элементни ўрнатиш таранглиги кўпроқ бўлиши лозим. Шунинг учун бундай ҳолларда втулкани қопловчи детални қизитиб ёки қопланадиган детални совитиб, пресслаш лозим.

Кўшимча элементлар билан таъмирлаш усули қуйидаги афзаликларга эга: анча катта миқдорда ейилган валлар ва деталларнинг тешикларини номинал ўлчамлар бўйича тиклаш мумкинлиги; тикланган деталлар сифатининг юқорилиги.

Мазкур усулнинг камчиликларига таъмирлашнинг детал конструксиясига боғлиқлиги, асосий деталнинг мустаҳкамлиги пасайиши, кўшимча элементни ўрнатиш мустаҳкамлигининг яна бир бор текширилиши, кўшимча элементни ясаш ва номинал ўлчамгача якунловчи ишлов беришнинг талаб қилиниши киради.

**Детал қисмини алмаштириш усули.** Деталларни механик ишлов бериш йўли билан тиклашга юқорида кўрсатиб ўтилган усуллардан ташқари, деталларнинг қисмини алмаштириб таъмирлаш усули ҳам киради. Бу усулнинг маъноси шундан иборатки,

деталнинг ейилган қисми кесиб ташланади ва унинг шу қисми қайтадан тайёрланади. Сўнгра тайёрланган қисм деталнинг асосий қисми билан бирлаштирилади ва зарур бўлганда унга термик ишлов берилади.

Деталнинг ейилган қисмини тўлиқ олиб ташлаш ва аввалдан тайёрланган қўшимча детални ўрнатиш усули деталнинг бир нечта иш юзлари бўлган ва унинг бир ёки иккита иш юзаси катта миқдорда ейилган ҳоллардагина қўлланилади. Бунда деталнинг алмаштириладиган қисми асосий қисм билан резба ёрдамида ёки пресслангандан сўнг туташиш чизиги бўйича алоҳида нукталарда ёки бутун периметри бўйича пайвандлаш орқали туташтирилади. Бу усулнинг камчилигига тиклаш технологиясининг нисбатан мураккаблиги ва асосий детал механик мустаҳкамлигининг пасайиши киради.

### **Назорат саволлари**

1. Деталларни таъмирлаш усуларининг таснифи нималардан иборат?
2. Деталларнимеханик ишлов бериш йўли билан таъмирлаш қндай усулларни ўз ичига олади?
3. Вал бўйни учун Тўни аниқлаш кетма - кетлигини тушинтиринг.
4. Тешик учун Тўлари қандай аниқланади?
5. Кўшимча таъмирлаш элементлари усулининг моҳиятини тушинтиринг.
1. Детал қисмини алмаштириш усулининг мазмуни нимадан иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Segin R Bello. Farm Tractor Systems Maintenance and Operation, 2012.
2. Omgx23532 Jo Operator's manual. John Deere tractors 100 Series. North American Version. Litho in U.S.A., 2010.
3. Macmillan R.H. The Mechanics of Tractor – Implement Performance. A Textbook for students and Engenders. Theory and Worked Examples, 2002.
4. Шообидов Ш.А., Иргашев А. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникаси деталларини қайта тилаш методлари.— Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДТУ, И-қисм, 2008. 140 б.
5. Иргашев А., Шообидов Ш.А. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникаси деталларини қайта тилаш методлари.— Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДТУ, ИИ-қисм, 2008. 120 б.

### **2-мавзу: Деталларни пластик деформациялаш усулида таъмирлаш, деталларни пайвандлаш усулида таъмирлаш жараёнилари**


#### **Режа:**

1. Деталларни пластик деформациялаш усулида таъмирлаш.
2. Деталларни пайвандлаш усулида таъмирлаш.

### **2.1. Деталларни пластик деформациялаш усулида таъмирлаш<sup>2</sup>**


Деталларни пластик деформациялаш усулида таъмирлаш детал материалининг пластиклик хусусиятидан фойдаланишга асосланган. Деталларни пластик деформация (босим) остида таъмирлашда деформацияланадиган деталнинг ҳажми ўзгармайди, аммо унинг шакли ҳамда детал тайёрланган металлнинг структураси ва механик хоссаси ўзгаради.

Детални чўқтириш ва ботириш усулида таъмирлаш. Деталнинг узунлигини камайтириш хисобига унинг ташки диаметрини катталаштириш жаряёни чўқтириш дейилади.




## 2-расм. Шатуннинг юқори каллагидаги бронза втулкани чўқтириш схемаси

Ундан кўриниб турибдики, таъсир этувчи  $P_d$  кучнинг йўналиши деталнинг деформасияланиш йўналиши билан мос тушмайди. Бу деталларни чўқтиришга хос бўлган хусусиятдир.



## 3-расм. Деталларни усулида таъмирлаш схемаси

Расмда шатуннинг юқори каллагидаги бронза втулкани чўқтириш схемаси кўрсатилган. Уни 1 ва 2 тиқинлар ёрдамида деталдан чиқариб олмасдан чўқтириш мумкин. Узунлигининг қисқариши ҳисобига втулканинг ички диаметри кичиклашади. Втулкага развёртка билан ишлов берилгандан сўнг, у яна ишлатиш учун яроқли ҳолга келади.




Втулка узунлигининг қисқариши натижасида поршен бармоғидан втулкага узатиладиган нисбий босим ортади, аммо бу босимнинг кўпайиши деталнинг кейинги ишига деярли таъсир қилмайди. Бундай усул билан втулкани бир маротаба таъмирлаш мумкин.

Деталнинг металини чекланган оралиқда суриш ҳисобига унинг ўлчамини катталаштириш жараёни *bottoming* дейилади. 3.7-расмда детални ботириш усулида таъмирлаш схемаси кўрсатилган. Бундай ишлов бериш турида таъсир қилувчи  $P_d$  кучининг йўналиши билан талаб қилинадиган деформасиянинг йўналиши мос келмайди. Бу усул деталнинг ишламайдиган қисмининг чегараланган қисмидаги металини *cupping* чиқариш ҳисобига, деталнинг ўлчамини катталаштиришда қўлланилади.

Ботириш усули билан клапанлар, валлардаги ва тешиклардаги шлислар тикланади. Клапанларни ботириш усули билан таъмирлаш ёпиқ штамптарда, металлни клапаннинг силиндричесимон қисмидан конуссимон иш сирти томон силжитиш натижасида амалга оширилади. Клапанларни ботириш усулида таъмирлаш технологияси кетма-кетлиги қуйидагидан иборат: клапанларни каллагининг диаметри ва силиндричесимон қисмининг баландлиги бўйича турларга ажратиш; клапан каллагининг материалига боғлиқ ҳолда электр печда тахминан  $820\ldots890^{\circ}\text{C}$  гача қизитиш; клапан каллагини ҳалқали ёпиқ штампда сиқиб чиқариш, қизиган клапанни дастлаб ҳавода  $200\ldots300^{\circ}\text{C}$  гача, сўнгра иссиқ қумда совитиш; клапаннинг радиал уришини текшириш; тоблаш ва бўшатиш; клапаннинг иш юзасини жилвирлаш.

**Деталларни кенгайтириш.** Втулканинг ички диаметрини кенгайтириш хисобига ташки диаметрини катталаштириш *кенгайтириши* дейилади. Бунда кенгайтирувчи куч  $P_d$ , нинг йўналиши керакли бўлган деформасия йўналиши  $\delta$  га мос келади.




**5-расм. Втулкани кенгайтириш схемаси**

Кенгайтириш, асосан, ичи тешик деталларнинг ўлчамларини сақлаган ҳолда ёкн уларнинг баландлигини сезиларли ўзгартирмасдан ташки ўлчамларини катталаштиришда қўлланилади. Чунончи, сферик ва конуссимон прошивкаларни қўллаб, поршен бармоқларининг ишлаш

имкониятини тиклаш мумкин. Поршен бармоқларини қизитиб ҳам, совук ҳолда ҳам кенгайтириш мумкин.

Поршен бармоқларини қизитиб кенгайтириш технологик жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади: бармоқ; сиртни 2 - 3 соат давомида  $900 - 1000^{\circ}\text{C}$  да (пўлатнинг маркасига боғлиқ ҳолда) сementасия қилиш, агар сementасия катлами кўпроқ ейилган бўлса, поршен бармоғини  $900\ldots1000^{\circ}\text{C}$  ҳароратда кенгайтириш; тоблаш ва паст бўшатиш ўтказиш (ҳарорат пўлатнинг маркасига боғлиқ); номинал, диаметрга келтириш учун жилвирлаш ва жилолаш; ўлчамини, қаттиқлигини, дарз бор-йўқлигини текшириш.

Поршен бармоғини совук ҳолда кенгайтириш технологик жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:  $650\ldots670^{\circ}\text{C}$  да (материалнинг маркасига боғлиқ ҳолда) 1,5 - 2 соат давомида бўшатиш; бармоқни шарсимон ёки сферик сиртли прошивка билан, жилвирлаш учун  $0,15\ldots0,2$  мм қўйим қолдириб, совук ҳолда кенгайтириш; бармоқни тоблаш ёки бўшатиш; бармоқни номинал ўлчам бўйича жилвирлаш ва жилолаш; ўлчамини, қаттиқлигини ва дарз бор-йўқлигини текшириш.



## 6-расм. Втулкани торайтириш схемаси

**Деталларни торайтириш.** Втулканинг ички диаметрини ташқи диаметри ҳисобига кичрайтириш *торайтириши*, дейилади. Торайтиришда таъсир қилувчи кучнинг йўналиши керакли деформасия б нинг йўналишига мос келади. Торайтириш кенгайтиришдан детал ўлчамларининг кичрайиши билан фарқ қиласди, кенгайтиришда эса деталларнинг ўлчами катталашади. Торайтиришда куч ва деформасия йўналиши кенгайтиришдагига нисбатан тескари йўналишда бўлади.


Детал ички ўлчамининг кичрайиши ташқи диаметрнинг кичиклашуви ҳисобига бўлади. Бунга бронздан ясалган втулкани торайтириш мисол бўла олади. Торайтиришдан сўнг втулканинг ташқи диаметри ишлатиш учун мосланади ёки уни пўлат втулкага прессланади. Втулканинг ички диаметрини талаб қилинган ўлчам бўйича развёртка қилинади. Деталларни торайтириш жараёнидан фойдаланиш рангли метали сарфини камайтиради.

**Деталларни чўзиш.** Детал узунлигини унинг кўндаланг кесимидағи маълум жойни торайтириш ҳисобига узайтириш чўзиши дейилади. Шўзиш чўқтиришнинг хусусий ҳоли ҳисобла нади ва у куч  $P_d$  йўналишининг керак бўлган деформасия йўналишига мос келмаслиги билан характерланади. Бунда детал кесимининг маҳаллий торайиши ҳисобига унча катта бўлмаган участкада унинг узунлиги ортади. Чўзиш, одатда, ҳар хил тортқиларни унча катта бўлмаган узунликка узайтириш учун кўлланилади.

**Деталларни тўғрилаш.** Деталнинг бузилган шаклини тиклаш жараёни *тўғрилаш* дейилади. Бундай усуlda эгилган ва буралган деталлар тўғриланади (3.11-расм). Тўғрилашда таъсир этувчи куч  $P_d$  нинг йўналиши керакли бўлган деформасия б нинг йўналишига мос келади.

Одатда, валлар, шатунлар, олдинги балкалар ва шунга ўхшаш деталлар тўғриланади. Тўғрилашнинг икки хил усули мавжуд: ташқи кучлар билан тўғрилаш (совуқ ҳолда ва қизитиб) ҳамда маҳаллий наклёт билан тўғрилаш. Ташқи кучлар ёрдамида қизитиб тўғрилаш таъмирлаш корхоналарида нисбатан кам қўлланилади. Уларда, асосан, ташқи кучлар билан совуқ ҳолда тўғрилашдан фойдаланилади.

Тўғрилаш натижаси турғун бўлишини таъминлаш учун тўғрилашни  $400\text{--}450^{\circ}\text{C}$  хароратгача қизитиб бажариш лозим. Бундай қизитишда қолдиқ ички кучланишлар камайиб, деталнинг ишлаш қобилияти 90% гача тикланади.




## 7-расм. Вални тўғирлаш схемаси

Маҳаллий наклёт билан тўғрилаш тирсакли валнинг уриши валнинг бутун узунлиги бўйича 0,03...0,5% дан ортиқ бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Наклёт тирсакли валнинг ўзак

ва шатун бўйинларини туташтирувчи юзага зарб бериш йўли билан амалга оширилади. Тирсакли вал бўйинларини жилвирлашдан олдин вални тўғрилаш яхши натижалар беради, чунки бунда йўниладиган металл қатламини камайтириш мумкин. Вални совуқ ҳолда тўғрилагандан сўнг, уни 100°C гача қизитиб, шу ҳароратда З соат ушлаб турилади. Сўнгра дарз бор-йўқлигини дефектоскопда текшириб кўриш тавсия этилади.

Детал металини роликнинг тишлари ёрдамида сиқиб чиқариш йўли билан унинг ташқи диаметрини катталаштириш жараёни *накаткалаши* дейилади.



**8-расм. Накаткалаш схемаси**

Накаткалашда таъсир қилувчи куч йўналиши талаб қилинган деформасия б га қарама-қарши бўлади. Бу усулда деталнинг ўлчами унинг иш қисмларидан металини сиқиб чиқариш ҳисобига ўзгаради. Накаткалаш ўткир тишли, тобланган роликлар билан бажарилади, бунда деталда ғадир-будир юзалар ҳосил бўлади. Тўғри ва қийшиқ тишли роликлар билан накаткалагандан яхшироқ натижаларга эришиш мумкин. Накаткалаш ролиги У-12 пўлатдан ясалган бўлиб, унинг қаттиқлиги ҲРС бўйича 50-5 бирликни ташкил этади. Накаткалашда таянч юза 50% гача камайиши мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, накаткаланган юзанинг йилишга қаршилиги жилвирланган текис юза ейилишга қаршилигининг 87% ини ташкил қиласди.

Накаткалашда вал диаметри 0,4 мм гача ошиши мумкин. Накаткалашни кам ейилган валнинг бўйинларида амалга оширилади.

Накаткалашда қуйидаги тенгсизликка риоя қилиш керак:

$$h = \delta_1 + \delta_2 + \delta_3 + \delta_4 \leq \beta t \operatorname{ctg} \frac{\alpha}{2}$$

бунда  $\delta_1$  - деталнинг бир томонига тўғри келган ейилиш микдори, мм;  $\delta_2$  - деталнинг эллипслилиги, мм;  $\delta_3$  - деталнинг таъмирлангунга қадар бўлган радиал уриши, мм;  $\delta_4$  - жилвирлаш учун қолдирилган қўйим, мм;  $\beta$  - ролик ва деталнинг ўзаро қамраш бурчаги.

Накаткалашда деталда етарли бўлган таянч юзаси ( $\eta$ ) таъминланиши лозим:

$$\eta \leq 0,5 \leq 2 \left( \sqrt{h/t} \operatorname{tg} \frac{\alpha}{2} - h \operatorname{tg} \frac{\alpha}{3} \right)$$

бунда  $x$  - ғадир-будирлик чўққиларининг баландлиги.

Накаткалаш ролиги тишининг энг мақбул ўткирлик бурчаги  $\alpha=60-70^\circ$ , тишларнинг қадами эса 1,5-1,8 мм дир.


## 2.2. Деталларни пайвандлаш усулида таъмирлаш.Пайвандлаш турлари<sup>1</sup>

1 Macmillan R.H. The Mechanics of Tractor – Implement Performance. A Textbook for students and Engenders. Theory and Worked Examples, 2002, p.8-10

Қаттиқ металлардан ясалган деталларни маҳаллий эритиши ёки пластик деформасия натижасида уларнинг атомлари орасида ҳосил бўлган боғланиш кучларидан фойдаланиш йўли билан ажралмас бирикма ҳосил қилиш жараёни *пайвандлаш* дейилади. Бинобарин, пайвандлаш, асосан, икки турга: материал қисмларини эриш ҳароратигача маҳаллий қиздириш йўли билан эритиб пайвандлашга ва пайвандланадиган деталларни эриш ҳароратидан пастроқ ҳароратага қиздириб, ташки куч таъсири остида сиқиш натижасида пайванд чоки ҳосил қилишга (босим остида пайвандлашга) бўлинади. Эритиб қоплаш пайвандлашнинг бир тури бўлиб, унда детал юзаси эритилган металл ёки қотишма билан қопланади.

Таъмирлаш корхоналарида деталларни таъмирлашда пайвандлашнинг қўлда бажариладиган ва механизасиялашган (автоматик ярим автоматик) турлари қўлланилади. Кўлда бажариладиган пайвандлашга газ, электр ёки аргон ёйи воситасида пайвандлашлар киради. Механизасиялашган пайвандлаш усуслари флюс қатлами остида, карбонат ангидрид мухитида, сув буги мухитида пайвандлашни, плазма-ёйли, тебранма ёйли ва ишқаланиш билан пайвандлашни ўз ичига олади.

Иш унумининг нисбатан пастлиги ва пайванд сифатининг пайвандчи малакасига узвий боғлиқлиги, деталларни пайвандлаш усулида таъмирлаш жараёнини кенг механизасиялашни тақазо қиласди.



**9-расм. Пайвандлаш турлари**

Агар электрод симини электр ёйи ҳосил бўладиган оралиқка узатиш, таъмирланадиган детални ҳаракатлантириш ҳам механизасиялашган бўлса, бундай пайвандлашни автоматлашган пайвандлаш дейилади. Ярим автоматлашган пайвандлашда, одатда, пайвандлаш жараёни қисман механизасиялаштирилади. Бунда электрод симини электр ёйи ҳосил бўладиган оралиқка узатишгина механизасиялашган бўлиб, электр ёйини таъмирланаётган деталга нисбатан ёки, аксинча детални электр ёйига нисбатан ҳаракатлантириш қўлда бажарилади.

Пайвандлаш турларидан айримларини ва улардан фойдаланиш соҳаларини кўриб чиқамиз.

Газ ёрдамида пайвандлашда детал қисмини ва бириктирувчи материални эритиши учун ёнувчи газнинг техник кислород билан аралашмаси ёниши туфайли ажралиб чиқсан иссиқлик энергияси қўлланилади. Ёнувчи газ сифатида асетилен, метан, пропанлардан фойдаланиш мумкин. Газ ёрдамида пайвандлаш, асосан, кам углеродли пўлатлардан ясалган деталларни, қалинлиги 2 мм гача бўлган легирланган пўлатларни, чўяндан ясалган деталларни, рангли металларни ва қаттиқ қотишмаларни эритиб қоплашда қўлланилади.

Электр ёйи ёрдамида пайвандлашда материал қисмини эритиши учун юкори ҳароратга эга бўлган ( $7000^{\circ}\text{C}$  гача) электр ёйининг иссиқлигидан фойдаланилади. Электр ёйи воситасида пайвандлаш пўлатдан, мураккаб шаклга эга бўлган чўяндан, алюминий қотишмаларидан ясалган деталларни пайвандлаш ва суюқлантириб қоплашда қўлланилади.

Деталларни флюс остида автоматлашган ва ярим автоматлашган ҳолда пайвандлаш (еритиб қоплаш) илгор усуллардан ҳисобланади ва деталларни таъмирилаш технологиясида кенг қўлланилади. Бу турдаги пайвандлаш флюс қатлами остида амалга оширилади, яъни электр ёйи эриган шлак билан чекланган муҳитда ёнади, бу эса пайванд чокларини ҳаво таъсиридан ҳимоя қиласи. Мазкур усул пўлатдан, рангли металлардан ясалган деталларни пайвандлашда ва эритиб қоплашда қўлланилади. Флюс қатлами остида пайвандлашнинг иложи бўлмаса ёки уни бажариш жуда қимматга тушса, пайванд чокни ҳавонинг таъсиридан ҳимоя қилиш учун аргон, карбонат ангидрид, сув буғи ва бошқа газлар ишлатилади. Ишлатиладиган газларнинг тури эса таъмиранадиган деталларнинг материалига боғлиқ. Масалан, аргон гази муҳитида пайвандлаш рангли металларни, карбонат ангидрид гази муҳитида пайвандлаш ва эритиб қоплаш углеродли ва юпқа пўлат листлардан ясалган деталларни, сув буғи муҳитида пайвандлаш пўлат ва чўян деталларни таъмирилашда қўлланилади.

Плазма-ёй воситасида пайвандлаш (еритиб қоплаш) электр ёйи плазмасининг иссиқлигидан фойдаланишга асосланган. Бу усул, асосан, қаттиқ қотишмалардан ясалган деталларни таъмирилашда ишлатилади.

Тебранма ёй воситасида суюқлантириб қоплаш флюс ва ҳимоя газлари ёрдамида автоматик эритиб қоплашнинг бир тури ҳисобланади. Бундай эритиб қоплаш усули электрод ёрдамида секундига 50....110 тебраниш частотасида амалга оширилади. Бу усул углеродли ва кам углеродли пўлат ва чўянларни суюлтириб қоплашда қўлланилади.

Контактли пайвандлаш деталдан электр токи ўтказилганда унинг электрод билан туташув соҳасида иссиқлик ажралиб чиқиши ҳисобига амалга оширилади. Бу усулдан юпқа деворли ва рангли металлардан ясалган пайвандлашда фойдаланилади.

Ишқаланиш натижасида пайвандлашда деталларнинг пайвандланадиган сиртларини бир-бирига ишқалаш натижасида ҳосил бўлган иссиқликдан фойдаланилади. Пайвандлашнинг бу тури пўлат ва рангли металлардан ясалган стерженларни пайвандлаш учун қўлланилади.

Деталларни таъмирилашда кўпроқ қўлланиладиган пайвандлаш усулларини батафсил кўриб чиқамиз.

### **Назорат саволлари**

1. Деталларни пластик деформасиялаш усулида таъмирилаш жараёни таснифини айтиб беринг.
2. Деталларни чўқтириш ботириш ва кенгайтириш усулларида таъмирилаш жараёнлари қандай амалга оширилади?
3. Деталларни, чўзиш, тўғрилаш ва накатлаш усулларида таъмирилашнинг моҳияти нималардан иборат?
4. Пайвандлашнинг қандай усуллари мавжуд?
5. Деталларни газ алансида пайвандлаш жараёни қандай кечади?
6. Деталларни электр ёйи воситасида пайвандлашнинг қандай турлари мавжуд?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Seigin R Bello. Farm Tractor Systems Maintenance and Operation, 2012.
2. Omegx23532 Jo Operator's manual. John Deere tractors 100 Series. North American Version. Litho in U.S.A., 2010.
3. Macmillan R.H. The Mechanics of Tractor – Implement Performance. A Textbook for students and Engenders. Theory and Worked Examples, 2002.
4. Шообидов Ш.А., Иргашев А. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникаси деталларини қайта тилаш методлари.— Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДТУ, И-қисм, 2008. 140 б.

5. Иргашев А., Шообидов Ш.А. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникаси деталларини қайта тилаш методлари.— Ўкув қўлланма. Тошкент: ТошДТУ, ИИ-қисм, 2008. 120 б.

### **3-мавзу: Таъмирлашда деталларга электр учқуни билан ишлов бериш, деталларни металлаш йўли билан таъмирлаш жараёнлари**

**Режа:**


1. Таъмирлашда деталларга электр учқуни билан ишлов бериш.
2. Деталларни металлаш йўли билан таъмирлаш.

**Таянч сўзлар ва иборалар:**

электр учқуни билан ишлов бериш, металлаш йўли билан таъмирлаш .

#### **3.1. Таъмирлашда деталларга электр учқуни билан ишлов бериш<sup>1</sup>**

Деталларга ўлчам бўйича ишлов бериш учун механик ишлов бериш ўрнига сирт шаклини ҳосил қилишнинг электр усулини қўллаш мумкин. Бундай усуллардан бири электр учқни билан ишлов бериш ҳисобланади. Ушбу усул электр эрозияси ҳодисасига асосланган бўлиб, бунда электрод билан детал орасида ҳосил бўлган учқун разрядлари ёрдамида детал электрод материали билан қопланади. Детал сиртига ишлов бериш ўзгармас токда тўғри ва тескари кутблиликда олиб борилади.



**10-расм. Электр учқуни билан ишлов беришсхемаси: 1-таъмиранадиган детал; 2- электрод; 3-вибратор; 4-конденсатор; 5-қаршилик**

еталга электр учқуни билан ишлов бериш жараёни қуйидагича амалга оширилади: бошланғич ҳолатда электрод 2 ва таъмиранадиган детал ўртасида тирқиши ҳосил тўпланиши содир бўлади. Электрод детал томон ҳаракатланганда катоднинг кучланиши орта боради ва кучланиш учқунли электр разряд ҳосил бўлиши учун етарли даражага етади. Электрод ва детал орасидан учқуннинг отилиб чиқиш пайтида электрон оқимларининг жуда катта тезликда ҳаракатланиши электрод учини (анодни) дарҳол юқори ҳарорат ( $10000, 15000^{\circ}\text{C}$ ) гача қиздиради ва электрод материали эриб, газ ҳолатига ўтади ва шунинг натижасида портлаш содир бўлади. Эриган анод заррачалари анод ва катод (ишлов бериладиган детал) орасидаги бўшлиқдан отилиб чиқади ва катод сиртига қопланади. Вибратор 3 ёрдамида электродга тебранма ҳаракат берилиши натижасида юқорида кўрсашиб ўтилган жараён қайтарилаверади, яъни электр занжири даврий равища узиб-уланиб учқун разряди узлуксиз ҳосил бўлади. Электроднинг тебранишини ўзгарувчан қаршилик ҳамда ўзгармас ёки ўзгарувчан сифимли конденсаторлар 4 ни қўллаш билан ҳам амалга ошириш мумкин. Шунингдек конденсаторларсиз қурилмалар ҳам мавжуд. Агар электрод ва детал орасида

<sup>1</sup>. Macmillan R.H. The Mechanics of Tractor – Implement Performance. A Textbook for students and Engenders. Theory and Worked Examples, 2002, p.11-13

электр токини ўтказмайдиган (керамик материал, мойлар, сувли эмульсиялар) мұхит бўлса, электр учқуни билан ишлов бериш жараёни тезроқ кечади. Электр учқуни билан ишлов бериш режими, асосан, ток кучига боғлик. Агар ток кучи 11 А дан юқорироқ бўлса хомаки, ток кучи 1 А дан 10 А гача бўлса, ўртacha ҳамда ток кучи 1А бўлса, соф режимли ишлов бериш дейилади. Хомаки режимли ишлов бериш энг унумли режим ҳисобланади, аммо юза ғадир-будирликлари даражаси юқорироқ бўлган (1 ва 2-синфга мансуб) ва аниқлик талаб қилинмайдиган операсияларни бажариш учун қўлланилади.

Соф режимли ишлов беришда юзанинг ғадир-будирлиги 10-синфгача етиб, энг юқори аниқликка эришиш мумкин, аммо иш унуми нисбатан паст бўлади. Ўртacha режимли электр учқуни билан ишлов берилганда юзанинг ғадир-будирлиги 2-4-синфга мансуб бўлади.

Таъмирлаш корхоналарида электр учқуни билан ишлов бериш усули турли қаттиқликдаги деталларга тешик очишда, шпонка ариқчаларини ҳосил қилишда, қаттиқ қотишмадан тайёрланган пластинкаларни кесишида деталларни жилвирлашда, кесувчи асблолар (парма, метчиклар) нинг синган қисмини чиқариб ташлашда ва детал сиртларини қоплашда ишлатилади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, электр учқуни билан пўлат деталларга ишлов берилганда металлнинг юқори ҳароратгача қизиши ва тезда совиши натижасида юзанинг тобланиши содир бўлиб, эритиб қуйилган метали қатламининг ейилишга бардошлиги ортади.

Електрод (асбоб) ўлчамларини ишлов бериладиган детал ўлчамларига, материалига, ишлов бериш режимида боғлик ҳолда шундай танлаш керакки, детал ва асбоб орасидаги тиркиш хомаки ишлов беришда 0,15...0,35 мм, ўртacha ишлов беришда 0,10...0,15 мм ва соф ишлов беришда 0,03...0,05 мм ни ташкил қиласин.

Чуқурчалар ҳосил қилиш ва тешиклар тешишида электрод-асбоб мисдан ёки керакли профилдаги қотишмалардан тайёрланади ва уни катодга улаб қўйилади. Бунда электр учқуни билан ишлов бериш жараёнини суюқлик мухитида (керосинда, минерал мойларда) олиб борилса, асбоб (катод) метали билан қопланиб қолишининг олдини олиш мумкин.

Ейилган валларни, машиналарнинг ишчи органларини ва бошқа шунга ўхшаш деталлар сиртларини металл билан қоплашни механизасиялаш учун анод сифатида феррохром, графит ёки Т15Д6, Т15ДД ва шунга ўхшаш бошқа қаттиқ қотишмалардан тайёрланган пластинкалар ишлатилади.

Металл ичиди синиб қолган маҳкамлаш деталларини чиқариб олиш учун квадрат кесимга эга бўлган электрод-асбоб қўлланилади. Мазкур электрод ёрдамида синиб қолган болт ёки шпилка стерженида квадрат шаклли тешик очилиб, ундан шу ўлчамдаги квадрат стержен билан деталнинг синган қисми бураб чиқариб олинади. Метчик ёки пармаларнинг детал ичиди синиб қолган қисмини чиқариб олиш учун думалоқ шаклли электрод-асбобдан фойдаланилади. Мазкур асбоб ёрдамида тешик тешилади, бу эса метчик ёки парманинг синган қисми осон чиқариб олинадиган кичик бўлакчаларга бўлиниб кетишига сабаб бўлади. Катта ўлчамдаги тешикларни тешишида мисдан, жездан, кулранг чўяндан, алюминий ва унинг қотишмаларидан ясалган ичи бўш электрод асблолардан фойдаланилади.


### 3.2. Деталларни металлаш йўли билан таъмирлаш<sup>1</sup>

Катта миқдорда ейилган деталларни бошланғич ўлчамлари бўйича таъмирлашда ейилишга қаршилиги юқори, занглашга турғун ва бошқа хусусиятларга эга бўлган

<sup>1</sup>. Macmillan R.H. The Mechanics of Tractor – Implement Performance. A Textbook for students and Engenders. Theory and Worked Examples, 2002, p.12-15

қопламалар олишда деталларни металлаш усули қўлланилади. 4.1-жадвалда деталларни металлаш усуллари келтирилган.

Бирор усулда майда (3-30 мкм) ўлчамга келгунга кадар суюқлантирилган металл заррачаларни деталнинг олдиндан тайёрлаб қўйилган юзасига сиқилган ҳаво оқими ёрдамида катта (140-300 м/сек) тезлик билан пуркаш жараёни *металлаши* дейилади. Метални суюқлантириш ва пуркашда фойдаланиладиган механизм *металлизатор* дейилади.



**11-расм. Газ алангаси воситасида металлашда ишлатиладиган металлизатор пуркаш қаллагининг схемаси: 1-сиқилган ҳаво кааллаги; 2-асетилен-кислород аралашмаси учун канал; 3-узатиладиган сим; 4- асетилен- кислород алангаси; 5- таъмирланадиган детал**

йўли билан таъмирлаш замонавий усуллардан ҳисобланади. Металлашда ўлчамлари 3-300 мкм бўлган эритилган металл заррачалари сиқилган ҳаво (ёки инерт газ) оқимида аввалдан тайёрланган детал сиртига 100-300 м/с тезлиқда урилиб, унда шу металл қатламини ҳосил қиласди.


Бунда деталнинг асосий метали билан пуркалган металлнинг бирикиши улар орасидаги механик ва молекуляр боғланишлар ҳисобига содир бўлади.

Пуркаладиган материални эритиш усулига қараб металлаш газли, электрли ва плазмали турларга бўлинади.

*Газли металлашда* ёнилғи сифатида асетилен, пропан ва бошқа газлар қўлланилиши мумкин. Асетилен ва кислород аралашмаси канал 2 бўйича берилиб аланга 4 ҳосил қилинади.

Асетилен-кислород алангаси 4 металлизатор соплосининг марказий тешига орқали узатиладиган сим 3 ни эритади. Канал 1 орқали ўтаётган сиқилган ҳаво ёрдамида эса суюқлантирилган металл таъмирланадиган детал 5 нинг сиртига пуркалади. Газли металлашнинг афзалликларига сифатли қоплама ҳосил қилиниши, Легирловчи элементларнинг қўп микдорда куймаслиги ва оксидланган заррачаларнинг миқдори умумий қоплама материалининг 3% идан ошмаслиги киради. Газ билан металлашининг камчиликларига қоплама нархининг юкорилиги, қоплаш ускунасининг мураккаблиги (газ ва кислород билан таъминлаш манбанинг зарурлиги, металловчи аппарат ва сиқилган ҳавони тозаловчи қурилманинг мавжудлиги) ни киритиш мумкин.

*Електр металлаши* электрод симини эритиш усули бўйича электр ёйи воситасида ва юқори частотали ток воситасида амалга оширилади. Таъмирлаш корхоналари амалиётида электр ёйи воситасида металлаш кенг тарқалган. Бир-биридан ток ўтказмайдиган қилиб ажратилган, кучланиш остида бўлган икки сим 1 маҳсус механизм 2 ёрдамида пойнакнинг йўналтирувчиси 3 бўйича ўзгармас тезлиқда узатилади. Бу симларнинг учларида ҳосил бўлган электр ёйи ёнади ва уларни эритади. Эриган сим материали канал 4 орқали босим остида узатиладиган газ ёрдамида детал 6 юзасига пуркалади.




**12-расм.** Электр ёйи воситасида металлаш схемаси: 1-кучланиш остидаги сим; 2-сим узатувчи маҳсус механизм; 3-пойнакнинг йўналтирув-чиси; 4-газ канали; 5-электр ёйи; 6-таъмирланадиган детал.

Юқори частотали ток воситасида металлашнинг электр ёйи воситасида металлашдан фарки металини эритишида юқори частотали токнинг индуктивлигидан фойдаланилганигидадир.

Электрли металлаш юқори иш унуми ва тежамкорлиги билан ажралиб туради. Газ билан металлашда алганга ҳарорати  $3000^{\circ}\text{C}$  атрофида бўлади, электрли металлашда эса ҳарорат  $4000^{\circ}\text{C}$  дан ошади. Электрли металлашнинг камчиликларига электрод сими таркибидаги кимиёвий (шу жумладан, легирловчи) элементлариинг қуйиб кетиши, қопланадиган металлнинг оксидланиши ва эритилган металлнинг кўпроқ исроф бўлиши киради.

*Плазма воситасида металлаши* усули газларнинг маълум шароитда плазма ҳолатига ўтиш хусусиятига асосланган металлашда металл плазма оқими таъсирида эритилиб, плазма ҳосил қилувчи газлар. Плазма ёрдамида детал юзасига пуркалади. Бу усулнинг бошқа усуллардан фарқи унда деталларни қийин эрийдиган волфрам, сирконий диоксиdi, алюминий оксиdi, молибден ва бошқа элементлар билан таъмирлаш имкони борлигидадир.

Қийин эрийдиган сим 1 узатувчи механизм 2 ёрдамида ҳалқасимон электрод 4 га узатилади, бу электрод вазифасини сув билан совитиладиган каллак 3 пойнаги бажаради. Даллак ишлатгандан электр ёйи 5 бир-биридан изолясия қилинган узлуксиз узатиладиган сим билан қалқасимон электрод ўртасида ҳосил бўлади. Электрод ёйини ёкиш ва уни барқарорлаштириш юқори частотали юргизувчи қурилма билан амалга оширилади. Плазма ҳосил қилувчи газ (масалан, аргон) канал 7 орқали электр ёйининг ёниш жойига узатилади, юқори ҳарорат таъсирида газ ионлашади ва ток ўтказувчан бўлиб қолади. Электр ёйининг энергияси магнит майдони таъсирида газ оқимининг марказида тўпланади, унинг ҳарорати жуда юқори ( $14000\text{--}17000^{\circ}\text{C}$ ) бўлади. Металлаш каллаги камера 6 га келувчи сув билан совитилади.



**13-расм. Плазма-ёй меллизатори каллагининг схемаси: 1-қийин ерийдиган сим; 2-узатувчи механиз; 3-каллак пойнаги; 4-халқасимон электрод; 5-электр ёй; 6-совутиш бўшлиғи; 7-газ канали**

Ҳимояловчи ва плазма ҳосил қилувчи нейтрал газлар сифатида аргон, азот ва уларнинг аралашмаларидан фойдаланиш легирловчи элементларнинг куйишини ва заррачаларнинг оксидланишини камайтиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам плазмали металлашда ҳосил қилинган қатламларнинг механик мустаҳкамлиги электрили металлашда ҳосил қилинган қатламларга нисбатан юқорироқ бўлади.

Металлаш жараёнининг моҳиятини қўйидаги гипотеза орқали тушунтириш мумкин. Пуркаланадиган метали заррачалари жуда катта (100-300 м/сек) тезликда детал юзасига урилади, учиб урилиш вақти жуда кичик (0,003 сек) бўлгани учун улар совишига улгурмайди, яъни таъмирланадиган детал сиртигача эриган ҳолатда етиб боради. Шунинг учун ҳам бундай металл заррачалари детал юзасининг ғадир-будурликларини тўлғизиб қолмасдан, балки ўзининг орқасидан учиб келаётган заррачалар билан ҳам мустаҳкам боғланиш ҳосил қиласди. Бир вақтнинг ўзида берилаётган совуқ ҳаво метали заррачаларининг детал юзасида тезда совишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам металлашда деталлар кам қизийди, бу эса ёғоч ва қофоз каби материалларни ҳам металлаш имконини беради.

### **Назорат саволлари**

1. Деталларни электр учқуни билан ишлов бериб таъмирлаш жараёни қандай амалга оширилади?
2. Соф ва дағал усулда электр учқунида ишлов бериш жараёнлари қандай кечади?
3. Деталларни металлаш йўли билан таъмирлаш технологик жараёнини тушунтириңг.
4. Металлашнинг қандай турлари мавжуд?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Segin R Bello. Farm Tractor Systems Maintenance and Operation, 2012.
2. Omgx23532 Jo Operator's manual. John Deere tractors 100 Series. North American Version. Litho in U.S.A., 2010.
3. Macmillan R.H. The Mechanics of Tractor – Implement Performance. A Textbook for students and Engenders. Theory and Worked Examples, 2002.
4. Шообидов Ш.А., Иргашев А. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникаси деталларини қайта тилаш методлари.— Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДТУ, И-қисм, 2008. 140 б.
5. Иргашев А., Шообидов Ш.А. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникаси деталларини қайта тилаш методлари.— Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДТУ, ИИ-қисм, 2008. 120 б.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1- амалий машғулот: Деталларни гальваник металл қоплаш йўли билан таъмирлаш, деталларни пластмасса ва елимлардан фойдаланиб таъмирлаш ва кавшарлаш жараёнлари<sup>1</sup>**

<sup>1</sup>. Macmillan R.H. The Mechanics of Tractor – Implement Performance. A Textbook for students and Engenders. Theory and Worked Examples, 2002, p.14-16

**Ишдан мақсад-** Деталларни гальваник металл қоплаш йўли билан таъмирлаш, деталларни пластмасса ва елимлардан фойдаланиб таъмирлаш ва кавшарлаш жараёнлари бўйича кўникмаларини шакиллантириш.

### Масаланинг қўйилиши


#### Машғулот вазифалари:

- Деталларни гальваник металл қоплаш йўли билан таъмирлаш;
- Деталларни пластмасса ва елимлардан фойдаланиб таъмирлаш.

#### Ишни бажариш учун намуна

##### 1. Деталларни гальваник металл қоплаш йўли билан таъмирлаш

Таъмирлаш корхоналарида машинанинг ейилган айрим деталлари гальваник (электролитик) металл қоплаш усулида таъмирланади. Бу усул электролиз жараённига асосланган. Электролитдан узгармас ток ўтганда унда содир бўладиган кимёвий жараён электролиз деб аталади. Электролитлар иккинчи тур ўтказгичлар (кислота, тузлар ва ишқорларнинг сувдаги ёки бошқа эриткичлардаги эритмалари)дан иборат бўлади.



14-расм. Электролиз жараёни схемаси: 1-ўзгармас ток манбаи; 2-электролит; 3-катод; 4-анод

Ўзгармас ток манбаи 1 дан ток берилганда электролит 2 да электролиз жараёни содир бўлади, яъни электролит мусбат зарядланган ионларга (катионларга) ва манфий зарядланган ионларга анионларга ажралади. Катионлар манфий зарядланган электрод-катод 3 га, анионлар эса мусбат зарядланган электрод-анод 4 га кўча бошлайди ва ўзларига хос бўлган хусусиятларни йўқотиб, нейтралланган атомларга айланади. Хромлашда катод вазифасини детал, анод вазифасини эса электрод бажаради. Анодлар эрийдиган (темир, мис ва бошқалар) ва эримайдиган (кўргошин, кўмир, платина ва бошқалар) хилларга бўлинади. Микдор жихатдан, электролиз жараёни Фарадей қонунига бўйсунади, яъни.

$$G = cit,$$

бунда  $G$  - таъмирланадиган детал сиртига қопланадиган метал миқдори, г;  $c$  - электрокимёвий эквивалент, г/А-соат;  $i$  - ток кучи, А;  $t$  - электролиз давомийлиги, соат.

Амалий ҳисобларда, қопланадиган метали миқдорини аниқлаш учун водород ажралиб чиқиши ва бошқа жараёнларга сарф бўладиган энергия миқдорини ҳисобга олувчи тўғрилаш коефициенти ( $\alpha$ ) киритилади, у ҳолда

$$G_f = Ga = acit$$

**Хромлаш.** Ейилган деталларни хромлаш билан тиклашда хромнинг қўйидаги хусусиятларидан фойдаланилади. Хром кумуш-пўлат ранг, юқори қаттиқликка (ХБ 500-1200) эга бўлган металл бўлиб, унинг зичлиги 6,92 гсм<sup>3</sup>, суюқланиш ҳарорати 1615°C, кенгайиш коефисиенти 84-10-8 га тенг. Хромнинг юпқа қатлами эластик бўлиб, хром билан юпқа қилиб қопланган детални ҳатто штампласа ҳам бўлади. Хром қатламлари атмосфера таъсирида оксидланмайди, органик кислоталарга турғун бўлади. Хромнинг нур қайтариш хусусияти 70 % (кумушники 90 %, никелники эса 60 %). Хром қатлами ўзининг ялтироқ сиртини кумуш ва никелга қараганда кўпроқ саклайди ва ейилишга (айниқса, 0,1 мм қалинликда) яхши қаршилик кўрсатади.

Хромлашда катод вазифасини таъмирланадиган детал, анод вазифасини эса эримайдиган қўрғошин пластинка бажаради. Электролит хром ангидриди (Сг03) ва сульфат кислота (Н2С04) нинг сувдаги эритмасидан иборат. Хромлаш жараёни ичи қўрғошин, винипласт, кислотага чидамли шишалар, полихлорвинилли ток кислотага чидамли эмаллар билан қопланган ванналарда олиб борилади. Ваннанинг деворлари икки қаватдан иборат бўлиб, қаватлар орасидаги бўшлиқ сув ёки мой билан тўлғизилади ва буғ билан иситилади. Ваннани шамоллатиб туриш учун маҳсус мослама бўлиши керак. Ўзгармас ток манбаи сифатида паст кучланишили АНД-500/250, АНД-1000/500, АНД-1500/750 (суратда 6 В ли кучланишдаги ток кучи, маҳражда эса 12 В ли кучланишдаги ток кучи кўрсатилган) генераторлардан, шунингдек селенли кремнийли тўғрилагичлардан фойдаланилади.

### ? электролитик ванналарда хромлаш жараёни қандай кечади?

Аноднинг мустаҳкамлигини ошириш учун қўрғошинга 7-8% сурма қўшилади. Электролиз пайтида катодда ва анодда қўйидаги жараёнлар юз беради. Катодда водород ажралиб чиқиб, олти валентли хром уч валентли хромга қайтарилади ва детал юзасига металл хроми ўтиради. Анодда кислород ажралиб чиқади ва уч валентли хром олти валентли хромга оксидланади.

Галваник усулда чўян, пўлат, темир, мис, жез ва алюминий қотишмаларини хромлаш мумкин. Хромлашда хром қатлами қалинлиги 0,001 дан 0,5 мм гача ва ундан ортиқ ҳам бўлиши мумкин. Хромлаш жараёнини жуда катта аниқликда созлаш мумкин.

Хромлаш жараёни деталларни хромлашга тайёрлаш, бевосита хромлаш ва хромлашдан сўнг ишлов беришдан ҳамда хромлаш сифатини назорат қилишдан иборат.

### ? электролитик қоплашда электролитик ваннага тушурилган ускуналар нималардан иборат?

**Деталларни хромлашга тайёрлаш.** Деталларни хромлашга тайёрлаш уларни жилвирлаш, жилолаш, ювиш, хромланмайдиган жойларни ниқоблаш, деталларни осма ускуналарга ўрнатиш, деталларни ёғсизлантириш ва декопирлашни ўз ичига олади. Деталларни жилвирлаш қопланадиган деталларга тўғри геометрик шакл бериш учун бажарилади, чунки хромлашдан сўнг деталнинг бошланғич шакли аниқ хосил қилинади. Жилвирлашни жилвирлаш станокларида ёки мослаштирилган маҳсус токарлик станокларида амалга ошириш мумкин. Детал материали қанча қаттиқ бўлса, жилвиртош шунча юмшоқ бўлиши керак.

Жилолаш жилвирлашдан қолган изларнн йўқотиш ва деталда силлик юза хосил қилиш учун қўлланилади. Жилолаш маҳсус жилолаш мосламаларида фетр (мато) доиралар қўллаш билан олиб борилади. Бундай доираларга жилолаш жараёнида маҳсус пасталар суртилади. Детал юзасида жилвирлашда ишлатиладиган абразив доиранинг излари қолмаганда жилолаш жараёни тугалланган ҳисобланади.

Детал юзаси жилвирлаб ва жилолаб бўлингандан сўнг, мой ва ёғ қолдиқларидан тозалаш мақсадида, уни ювиш лозим. Деталларни ювиш керосин, бензин, уайт спирит ва

бошқа воситалар билан махсус ванналарда олиб борилади, сўнгра сиқилган ҳаво билан қуритилади.

Хромланмайдиган жойларни лок билан ниқоблаш юзаларга чўткаш ёрдамида лок суртиш билан амалга оширилади. Агар деталнинг конструксияси йўл қўйса, хромланмайдиган юзаларни пластикатлардан ясалган филофлар билан ёки пластмассадан ясалган экранлар билан ниқоблаш мумкин.

Деталларнинг хромланмайдиган жойлари ниқоблангандан сўнг, улар осма усукуналарга ўрнатилади. Деталларнинг осма усукуналари яхши туташиш хосил қилиш ҳамда деталларни ваннага осишни қулайлаштириш, детал ва анод ўртасидаги масофани бир хилда ушлаб туриш учун хизмат қиласди. Деталлар осилгандан сўнг қуийдаги тартибда электролитда ёғсизлантириш жараёнидан ўтади: ўювчи натрий - 30-г/л-50 г/л, кальсий сода - 25-30 г/л, суюқ шиша - 5-10 г/л, натрий уч фосфати - 10-15 г/л. Ёғсизлантириш режимида токнинг зичлиги 5 - 15 А/дм<sup>2</sup>, ваннанинг ҳарорати 60 - 70°C, жараённииг давомийлиги 5 - 8 минутни ташкил қиласди. Бунда детал катод вазифасини бажаради ва анод сифатида қўргошин пластинкаси ишлатилади. Ток ўтганда детал юзасидан жадал равища ажralадиган водород унинг юзасидаги мой қолдиқларининг ажralишини тезлаштиради. Детал ёғсизлантирилгандан сўнг иссиқ (60 - 70°C) сувда, ёғ қолдиқларидан тозалаш мақсадида ювилади, ундан сўнг эса совуқ сувда чайилади.

Декопирлаш детал юзасидаги юпқа оксид пардаларини йўқотиши, таъмирланадиган детал асосий материалининг структурасини чиқариш ва қопланадиган хромнинг ёпишиш мустаҳкамлигини ошириш мақсадида ўтказилади. Декопирлаш кимёвий ва анодли бўлиши мумкин. Кимёвий декопирлаш таъмирлаш корхоналари амалиётда қўлланилмайди. Хромлаш ваннасида анодли декопирлаш усули энг кўп қўлланилади. Анодли декопирлашда дастлаб детал хромлаш ваннаси ток уланмаган ҳолда 5 - 8, минут ушлаб турилади. Бу вақт ичиде детал ванна ҳароратгача (50-65°C) исийди. Сўнгра ток шундай уланадики, бунда детал анод вазифасини бажаради ва 25-40 А/дм<sup>2</sup> ток зичлигига ваннада 30-90 секунд ушлаб турилади. Ваннадаги электролитнинг таркиби ва ҳарорат хромлашда қандай бўлса, бу ҳолда ҳам худди шундай бўлади. 30-90 секунд вақт ўтгач, ток таъмирланадиган детал катод вазифасини бажарадиган қилиб қайта уланади ва хромлаш жараёни бошланади.

## ? Хромлашга тайёрлаш қандай жараёнлардан иборат?

Хромлаш жараёни силлиқ ва ғовакли хромлашга бўлинади. Силлиқ хромлаш жараёнини кўриб чиқамиз.

Ток бўйича энг кўп метали ажralиб чиқиши хром ангидрид билан сульфат кислотанинг нисбати 100:1 бўлганда содир бўлади.

Сульфат кислотали хромлашда юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун таъмирлаш корхоналари амалиётида ўз-ўзидан ростланувчи сульфат кремний фторидли, электролит қўлланилади. Бу электролит шунинг учун ҳам ўз-ўзидан ростланувчи дейиладики, бунда электроддаги хром ангидриднинг микдори унинг ҳарорати ва микдорига мос ҳолда электролиз жараёнида ўз-ўзидан ростланиб, CrO<sub>3</sub>, CO<sub>4</sub> - ва микдорлари амалда ўзгармас бўлиб қолади. Бунинг учун электролит таркибига кўшимча равища қийин эрийдиган стронсий сульфати ва калий кремний фторид тузларини қўшиш натижасида эришилади. Хром ангидрид концентрасиясининг ўзгаришига қараб, электролитнинг ҳароратига боғлиқ ҳолда бу тузларнинг эрувчанлиги ҳам ўзгариб туради. Электролитдаги хром ангидриднинг микдори тузларнинг эрувчанлигидан кўпроқ бўлиб қолса, тузларнинг бир қисми эритмада диссосиацияланган ионлар шаклда бўлиб, қолган қисми эса ваннанинг тубида каттиқ ҳолатда чўкма бўлиб туради. Электролитлик ванна ўзгармас ҳароратда ишлатилганда Cr<sub>3</sub>, CO<sub>4</sub> ва СиF<sub>6</sub> лар микдорларининг ўзгармаслиги CrCO<sub>3</sub> ва DCи тузларнинг қаттиқ ҳолатга ўтиши ҳисобига таъминланади. Агар хром ангидридининг микдори 250 г/л дан ошиб кетса, ваннанинг тубида ётган қаттиқ ҳолатдаги ортиқча тузлар

эрий бошлайди ва хром ангидриди миқдорининг СО4 ва СиФ6 ионлари сонига нисбати сақланиб қолади. Ана шундагина электролит барқарор бўлиб, уни тез-тез ростлаш эҳтиёжи йўқолади, ҳамда бундай электролитлардан ток бўйича кўпроқ (18-20%) хром чиқиши таъминланади.

Ўз-ўзидан ростланадиган электролитда барча турдаги хром қатламларини ҳосил қилиш мумкин. Бундай электролитларда қоплама ҳосил қилиш тезлиги каттароқ бўлганлиги учун улардан фойдаланиш универсал сульфат кислотали электролитда хромлашдан арzonга тушади.

Хромлаш учун ишлатиладиган электролитларнинг асосий камчилиги ток бўйича хром чиқишиннинг камлиги ва сочилиш хусусияти пастлиги ҳисобланади.

Хромлаш жараёнини жадаллаштириш мақсадида хона ҳароратида хромлаш имконини берувчи тетрохромат электролити тавсия қилинган. Тетрохромат электролитининг таркиби қўйидагича; 350...400 г/1 CrO3; 2-2,5 г/1 H2CO4; 40-60 г/1 NaOH; 1...2 г/1 шакар.

Анод вазифасини перфорасияланган кўргошин ёки кўргошиннинг 3 - 5% суръмали қотишмаси бажаради. Электролитга ўювчи натрий қўшилиши натижасида тетрохромат ҳосил бўлганлиги учун бундай электролит тетрохромат электролити дейилади. Бунда кимёвий реаксия қўйидагича кечади:



Электролиз жараёнда ваннанинг ҳарорати паст (17-23°C) бўлиб, 24°C дан ошмаслиги керак. Бундан юқори ҳароратда тетрохромат турғун бўлмаганлиги сабабли электролит ўзининг юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятларини йўқотиши мумкин. Бинобарин, паст ҳароратни ушлаб туриш учун ваннани совитиб туриш даркор, бунда токнинг зичлиги юқорироқ (30-100 А/дм2) бўлиши талаб қилинади.

Тетрохромат электролитида ҳосил қилинган қатламлар ғоваксиз бўлиб, қаттиклиги нисбатан камроқ (НС 350-400) мослашувчанлик (приработка) хусусияти яхши, сочилиш хусусияти ва ток бўйича хром чиқиши юқорироқ (28-30 %). Яхши мослашувчанлик хусусияти ва ток бўйича хром чиқиши юқори бўлганлиги бу электролитнинг кўлланилишига катта йўл очиб беради.

Тетрохромат электролити пўлат, рух қотишмасидан ва жездан тайёрланган деталларни химоя-декоратив қоплашда, унча катта бўлмаган нисбий юкланишда ишловчи деталларда ейилишга чидамли қотишмалар ҳосил қилишда, деталларни тиклашда хром қатламидан катта қаттиқлик талаб қилинмайдиган ҳолларда (подшипниклар ўрнатиладиган жойларни тиклашда) ишлатилади.

Хромланган силлиқ қатламнинг юқори қаттиқлигига қарамасдан, у ўзаро қўзғалувчан қилиб бириктирилган деталларда қониқарсиз ишлайди, чунки улар сиртида мойни яхши тутиб тура олмайди. Шунинг учун кейинги йилларда ғовакли хромлаш кенг тарқалди. Ғовакли қатлам ҳосил қилинганинг бир нечта (механик кимёвий ва электрокимёвий) усуллари мавжуд. Механикавий усулда хромлашдан аввал детал сиртида чуқурчалар ёки ғоваклар қум ёки питра пуркаш натижасида ҳосил қилинади. Хром қатлами шу йўсинда тайёрланган юзага ўтириб ундаги нотекисликларни маълум даражада сақлаб қолади. Кимёвий усулда ғоваклар ҳосил қилишга силлиқ хромланган детал сиртига сульфат кислота таъсир эттириш орқали эришилади. Ғовакли хром қатлами ҳосил қилинганинг электрокимёвий усули кўпроқ тарқалган бўлиб, у хромлаш амалга оширилган электролитда силлиқ хромланган деталларга қўшимча (анодли) ишлов бериш (декопирлаш) дан иборат. Умуман олганда, электролитик усулда хромланган қатламда кичик ғовакликлар (силлиқ хромланган ҳолда ҳам) мавжуд бўлади, аммо у мойни юзага яхши ушлаб туриш учун етарли бўлмайди. Детал сиртида бундай кичик ғовакликларнинг бўлиши ғовакли хром қатламини турли кўриниш ва ўлчамларда олиш имконини беради. Бунинг учун дастлабки дарзлар турига эга бўлган хром қатламига анодли ишлов берилса (декопирланса), ғовакли хром қатлами ҳосил бўлади.

## **? Силлиқ хромлаш жараёни қандай электролитларда олиб борилади, уларни таркиби қандай?**

Хром қатламидаги ғовакликлар нұқтасимон, каналсимон хилларга бўлинади, уларни ҳосил қилиш дастлабки силлиқ хромлаш турига ва режимига боғлиқ. Агар оқимтирик ялтироқ хром қатламига анодли ишлов берилса, унда каналсимон ғовакликлар, агар кулранг ялтироқ қопламга анодли ишлов берилса, нұқтасимон ғовакли хром қатламини ҳосил қилиш мүмкин. Каналсимон ғовакли хром қатлами тартибсиз жойлашган, кенглиги ва чукурлиги ҳар хил бўлган, кўпинча кесишадиган каналчалардан иборат. Хром қопламасига ишлов бериш жараёнида ундаги мавжуд бўлган дарзлар кенгайиб вачувалашиб, каналчалар ҳосил қиласди. Нұқтасимон ғовакли хром қатлами кум билан ишлов берилган дағал деталга ўхшайди, унда кўпгина чукурчалар ва ўткир буртиклар бўлади. Қопламадаги дарзларнинг кенгайиши хром қатлами қалинлигининг камайишидан тезроқ юз беради. Каналсимон ғовакли хром қатламларида силлиқ хром қатламларига нисбатан 80-120 маротаба кўп мой тутиб турилади, шу сабабли хром қатламиниң ейилишга қаршилиги кескин ошиб кетади. Каналсимон ғовакли хром қатлами билан силиндрлар блоки гильзаларининг юзлари қопланади.

Нұқтасимон хром жуда яхши мосланувчанлик хусусиятига эга бўлганлиги учун мотор поршенларининг компрессион ҳалқалари юзасини хромлашда ишлатилади.

Деталларни хромлаш жараёни аниқ жараён бўлганлиги учун унинг барча режимларига қатъий риоя қилинса, детални керакли аниқликдаги ўлчамгача хромлаш мүмкин. Бунда кўшимча механик ишлов беришга эҳтиёж қолмайди. Аммо хром қатламига осонлик билан механик ишлов бериш мумкинлигини хисобга олиб, хромлаш жараёнини механик ишлов бериш (жилвирлаш) учун кўйим қолдириш билан амалга ошириш мақсадга мувофиқлир.

## **? Деталларни ғовакли хромлаш жараёни қайси усуllibарда ва қандай олиб борилади?**

Деталларга хромлашдан сўнг ишлов бериш. Хромлашдан сўнг деталларга ишлов бериш деталларни дистилланган совуқ ва иссиқ сувларда ювиш, осма ускуналардан ечиб олиш ва уларни қуритиш шкафларида қизитишдан иборат.

Деталларни дистилланган сувда ювиш улардаги қолдик электролитларни хромлаш ваннасига қайташидан иборат. Совуқ ва иссиқ сувда ювиш детал юзасини қолдик электролитлардан батамом тозалаш учун бажарилади. Шунинг учун детал аввал оқиб турган совуқ сувда, сўнгра иссиқ сувда ювилади, иссиқ сув детални яхши ювиши билан бирга уни иситади ва қуришини тезлаштиради. Шундан сўнг детал осма ускуналардан чиқариб олинади, химоя (изолясия) локлари пичоқ билан олиб ташланади, селлуюид эса ечиб олинади.

Детални қуритиш шкафида 150-200°C гача қиздириш хром қатламида водородни чиқариб юбориш билан бир қаторда уни қуритиш учун ҳам керакдир. Қуритилган детал техник назоратдан ўтказилади.

Техник назорат деталнинг ташқи кўринишини кўздан кечириш билан бошланади. Аниқланган нұқсонлар жилвир ёки қайроқ тошлар билан бартараф қилинади. Шундан сўнг хром қатламиниң асосий материал билан ёпишиш мустаҳкамлиги текширилади. Бундай назоратдан кейингина детал керакли ўлчамгача жилвирланади.

## **? Деталларга хромлашдан сўнг қандай ишлов берилади?**

**Темирлаш.** Деталларни хромлаш жараёни, асосан, ейилиш миқдори кам бўлган деталлар учун яроқлироқдир. Ейилиш миқдори кўп (масалан, 0,5 мм дан ортиқ) бўлганда деталларни хромлаш йўли билан таъмирлаш анча қимматга тушади. Шунинг учун кўп

микдорда ейилган деталларни таъмирлашда таъмирлаш корхоналари амалиётида темирлаш усули кўпроқ қўлланилади.

Темирлаш учун электролитлар кимёвий таркиби бўйича сулфатли, хлорли, аралаш ва бошқаларга, қўллаш усули бўйича совуқ ва иссиқ турларга бўлинади.

Темирлаш технологик жараёни хромлаш жараёнига ўхшаб кетади, у детални темирлашга тайёрлашни, темирлашни, темирлашдан сўнг деталга ишлов беришни ва темирлаш сифатини текширишни ўз ичига олади. Детални темирлашда қуйидаги операсиялар бажарилади: тикланадиган юзаларга механикавий ишлов бериш; бензинда ювиш; деталнинг темирланмайдиган юзаларини ниқоблаш; осма ускуналарга ўрнатиш; ёғсизлантириш; совуқ сув оқимида ювиш; 30% ли сульфат кислота эритмасида анодли ишлов бериш; совуқ ва иссиқ сувда ювиш; қоплаш жараёни; иссиқ (80-90°C) сувда ювиш; кальсийли соданинг 10% эритмаси билан ювиш; иссиқ (80... 90°C) сувда ювиш; деталларни осма ускуналардан чиқариб олиш ва ниқоблаш материалларини олиб ташлаш; қопламага механик ишлов бериш ва темирлаш сифатини текшириш.

Катод майдони (Ск) анод майдони (Са) дан 4 марта ортиқ, яъни  $\text{Ca/Ck} = 1/4$  бўлиши керак. Анодли ишлов бериш режими: ток зичлиги  $\text{Дт} = 10-70 \text{ A/dm}^2$ , электролит ҳарорати  $t=10\ldots 22^\circ\text{C}$ , ишлов бериш давомийлиги 0,5-4 минут.

### ? Темирлаш ва хромлаш ўртасида қандай ўхшашлик ва фарқ бор?

Анодли ишлов беришда ҳосил бўлган оксид пардаларини якуний тозалаш деталларни темирлаш ванналарида 10-50 с давомида токсиз ушлаб туриш билан амалга оширилади. Сўнгра электролитли ванна тўғри кутблилиқда зичлиги 5  $\text{A/dm}^2$  бўлган ток манбаига уланади ва 5-10 минут давомида ток зичлиги темирлашдаги қийматга етказилади.

Темирлаш электролитларига қуйидаги талаблар қўйилади; улар қалин (0,5 мм ва ундан ортиқ) қатлам ҳосил қилиши, қоплама юқори физик-механик хусусиятларга эга бўлиши, жараён катта жадаллиқда кечиши керак. Бундай талабларга ҳарорати  $50^\circ\text{C}$  дан ортиқроқ бўлган темир хлоридли электролит жавоб беради. Темирлашда совуқ электролитлар (ҳарорати  $50^\circ\text{C}$  гача) ҳам ишлатилади, улар оксидланишга турғунроқ, аммо қоплаш унуми паст бўлганлиги учун таъмирлаш корхоналари амалиётида қўлланилмайди.

Пўлат қопламадаги водородни камайтириш учун водород ионларини камайтириш, темир ионларини эса кўпайтириш лозим, бунда темир водородга қараганда деталга кўпроқ қопланади. Водород ионларини ҳаддан ташқари камайтириш ҳам темир гидрооксиди (еримайдиган заррачалар) ҳосил бўлишига олиб келади, улар қоплама ҳосил қиласидаги темирга илашиб, қоплама сифатини пасайтириши мумкин. Бундан кўриниб турибдики, эритмада темир гидрооксиди ҳосил бўлишининг олдини олиш учун электродда минимал кислоталиликни, яъни водород ионларини ушлаб туриш лозим.

Водород ионларининг кам микдорда бўлиши темирнинг электролитдаги микдорига, электролитнинг ҳароратига ва ток зичлигига боғлиқ. Электролитнинг ҳарорати, ундаги метали микдори ва токнинг зичлиги қанча юқори бўлса, электролитнинг кислоталилиги шунча юқори бўлиши керак. Шу боис темирлашда электролитнинг ҳарорати юқори бўлиши талаб қилинади. Аммо темирлаш жараёнидаги юқори ( $65-80^\circ\text{C}$ ) ҳарорат электролитнинг буғланишига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун темирлаш жиҳозида электролитни сув ва хлорид кислотаси билан таъминловчи қурилма бўлиши керак. Бундан ташқари, электролиз жараёнида эрийдиган анодларнинг қўлланилиши электролитнинг анод шлами (чўқиндиси) билан ифлосланишига олиб келади. Анод шлами қоплама таркибига кириб, унинг сифатини ёмонлаштиради. Шунинг учун темирлаш жиҳозида электролитни филтрловчи қурилма ҳам бўлиши талаб қилинади.

### ? Қайси сабабларга кўра темирлашда хромлашдагига қараган қалинроқ қатлам олиш мумкин?

## **2. Деталларни пластмасса ва елимлардан фойдаланиб таъмирлаш ва кавшарлаш**

Асоси юқори молекуляр органик бирикмалардан иборат материаллар пластмассалар деб аталади. Улар юқори ҳарорат ва босим таъсирида аввалдан белгиланган шаклни ҳосил қиласи ва бу шаклни одатдаги шароитда сақлай олади. Пластмассаларнинг асоси сунъий (синтетик) ёки табиий смолалар бўлиб, улар боғловчи материал вазифасини бажаради ҳамда унинг кимёвий, физикавий, механик ва бошқа хусусиятларини белгилайди. Боғловчи элементлардан ташқари, пластмасса таркибига тўлдирувчилар, пластиковчилар, қотиргичлар, бўёқлар, тезлаткичлар ва маҳсус хусусият берувчи бошқа қўшилмалар ҳам киради.

Тўлдиргичлар (металл қириндилари, портландсмент, пахта-қофоз тўқималари, асбест, слюда, графит ва боишқалар) пластмассаларнинг физик-механик фриксон ёки антифриксон хусусиятларини яхшилаш, иссиқликка чидамлилигини ошириш ҳамда маҳсулотнинг таннархини арzonлаштириш мақсадида қўлланилади.

Пластиковчилар (дибутилфтолат, олеин кислотаси ва бошқалар) полимерларга қовушқоқлик ва окувчанлик хусусиятини бериш учун хизмат қиласи.

Қотиргичлар (аминлар, магнезин, оҳак ва бошқалар) полимерларни қаттиқ ва эримайдиган ҳолатга ўтказишга ёрдам беради.

Бўёқлар (нигрозин, охра, мумиё, сурик ва бошқалар) полимерларга ранг беради.

Пластмассалар кимёвий табиати бўйича термореактив (реактопластлар) ва термопластик (термопласт) гурухларга бўлинади. Реактопластлар деб шундай пластмассаларга айтиладики, улар қизитилиб, кейин совитилгандан сўнг иссиқликда ва суюқликда эримайдиган ҳолатга ўтади. Термопластлар смола бўлиб, иситилганда пластик ҳолатга, совитилгандан эса қаттиқ ҳолатга ўтади. Бу жараён қайтарилувчи жараён ҳисобланади.

### **? Таъмирлашда қўлланиладиган пластмассаларнинг таркибий қисмлари нималардан иборат ва қайси гурухларга бўлинади?**

**Елимли таркиблар** таъмирлаш корхоналари амалиётида қўзғалмас бирикмалар ҳосил қилиш учун қўлланилади. Масалан, фриксон (ишқаланувчи) усткуймаларни елимлашда, дарзларни, тирналган жойларни беркитишда, гальваник ванналарни қоплашда, химоя қопламалари беришда қўлланилади.

Деталларни кавшарлаш ҳам ажралмас бирикмалар ҳосил қилиш учун қўлланилади. Кавшарлашда деталларда ҳосил қилинган тирқишига киритилган суюқлантирилган оралиқ металл асосий металл билан ўзаро таъсирида бўлиб, кристалланиш натижасида кавшарлаш чоки ҳосил қиласи.

**Полимер материаллар.** Трактор деталларини таъмирлашда полимер материаллардан кенг фойдаланилади. Трактор ва бошқа машина деталларини тузатиш учун АРПК ГОСНИТИ маҳсус аптечкалар мавжуд, унинг таркибига ЭД-16 эпоксид смоласи, темир кукуни, ПАК-1 алюминий кукуни, шиша лентаси, шишали мато, «Эластосил» зичловчиси ва дала шароитида тузатиш учун керак бўлган бошқа материаллар киради.

Таркибида эпоксид смоласи, қотиравчи (полиэтиленполиамин), пластиковчи (дибутилфтолат) бўлган бошқа полимер материаллар устахоналар шароитида дарзларни, тешикларни таъмирлашда, ейилган қўзғалмас бирикмалар юзаларини, резбали бирикмаларни ва трубопроводларни таъмирлашда ишлатилади. Деталларни эпоксид смоласи асосидаги полимер материаллар билан таъмирлашда асосий боғловчи компонент ЭД-6 ёки ЭД-5 маркали эпоксид смоласи ҳисобланади. ЭД-6 эпоксид смоласи қовушоқ, пишиқ, жигарранг масса бўлиб, асосан, деталларни таъмирлашда қўлланилади. ЭД-6 асосидаги эпоксид композисиясини тайёрлаш технологияси қуйидагича: масса бўйича 100 қисм смола, 10-15 қисм дибутилфтолат (пластиковчи), 160 қисмгача тўлдирувчи ва 7-8 қисм

полиэтиленполиамид (қотиувчи). Тұлдиргичлар темир кукуни (160 қисм), алюминий упаси (20 қисм), 500 маркалы сement (120 қисм)дан иборат. Эпоксид смоласи идишда 60-80°C ҳароратгача иситилади, пластикловчи қүшиб аралаштиргандан сұнг эса тұлдиргичлар қүшиб, яна аралаштирилади. Қотиргичлар композисияни ишлатиш олдидан қүшилиши керак чунки шундан сұнг аралашмадан 20-30 минут ичидә фойдаланиш лозим.

### **? Деталларни таъмирлашда әлим таркиблари ва полимер материаллар қайси мақсадда қўлланилади?**

Епоксид асосидаги аралашмалар корпус деталлар (слиндрлар блоки, агрегат картерлари ва бошқалар) даги дарз ва тешикларни таъмирлаш, кўзгалмас ва резбали бирикмаларни тиклаш учун қўлланилади. Мисол тариқасида, дарзни таъмирлаш жараёнини кўриб чиқамиз. Дарзнинг чегарасини чеклаш учун унинг четларини 2-3 мм ли парма билан тешиб, сўнгра бутун дарз бўйича чуқурлиги 2-3 мм бўлган 60-70° ли фаска очилади. Деталнинг юзаси дарзнинг икки токи томони бўйича 40-50 мм кенгликда ялтирагунча тозаланади, кертик қилинади ва асетонда ёғсизлайтирилади. Шиша матодан дарзни 20-25 мм кенгликда ёпувчи ямоқ тайёрланади. Деталнинг таъмирланадиган юзасига эпоксид смоласи асосида тайёрланган таркиб 0,1-0,2 мм қалинликда суртилгандан сұнг ямоқ солинади ва устидан ролик юргизилади бўлиши мумкин.

Таъмирлаш корхоналарида деталларни полимер материаллар ёрдамида таъмирлаш ишлари қўйиш (босим остида, мар каздан қочма), пресслаш, металл буюмларга юпқа қатламли қопламаларни пуркаш йўли билан амалга оширилади.

Босим остида қўйиш технологик жараёни, асосан, қўйидаги операсиялардан иборат: материалларни улушлаш, материални қизитиб эритиш, босим остида эриган полимер материални қолипга қўйиш ва уни босим остида ушлаб туриш, буюмни қолипда совитиш ва таъмирланган детални қолипдан чиқариб олиш.

Бу операсияларнинг барчаси махсус ДБ-3329 маркалы термопласт- автоматда, ПЛ-71 қўйиш машинасида ва шу каби бошқа ускуналарда бажарилади. 4.9-расмда ейилган детал юзасини босим остида капрон билан қоплаш схемаси келтирилган. Таъмирланадиган детал 4 ни қолип 1, 3 (1-қолипнинг юқориги, 3-қолипнинг пастки қисмлари) га ўрнатилиб, 80-100°C ҳароратгача қиздирилади. Детал 4 ва қолип 1, 3 девори орасидаги тирқишига 4-5 МПа босим остида қўйиш канали 2 орқали 240-250°C ҳароратли эриган полимер материал 5 (капрон) юборилади ва у тирқиши тўлдиради.

Совитилгандан сұнг қолип 3 ни очиб, детал 4 чиқариб олинади. Таъмирлашда полимер материалнинг тавсия этилган қалинлиги 0,5-5 мм ни ташкил қиласи.

Полимер материалларни ҳосил қилишда тайёрланган ва қизитилган детал юзасига кукунсимон капрон сиқилган ҳаво ёрдамида юборилади. Капрон кукуни деталнинг қизиган юзасига урилиб, эриши натижасида қоплама ҳосил қилинади.

### **? Деталларни таъмирлашда эпооксид таркиблар қандай мақсадда қўлланилади?**

**Деталларни кавшарлаш.** Эриган оралиқ метали ёки қотишима ёрдамида ажралмас метали бирикмасини ҳосил қилиши жараёни кавшарлаш деб аталади. Бунда оралиқ материал совии жараёнида қотиб, бириктириладиган жиссмлар орасида мустаҳкам боғланиши ҳосил қиласи.

Оралиқ металл ёки қотишима *кавшар* дейилади, унинг эриш ҳарорати асосий металлниңика нисбатан пастроқ бўлиши керак. Вазифасига кўра кавшарлар жуда осон эрийдиган (145°C), осон эрийдиган (145-450°C), ўртача ҳароратда эрийдиган, (450-1100°C), юқори ҳароратда эрийдиган (1100-1850°C) ва қийин эрийдиган (1850°C дан юқори) турларга бўлинади.

Кавшарланадиган конструксияларда пўлатларнинг барча турлари, чўяnlар, никел қотишмалари, мис ва уни қотишмалари ҳамда титан, алюминий, магний ва бериллий асосидаги осон эрийдиган қотишмалари кўлланилади, уларнинг эриш ҳарорати 4.12-жадвалда келтирилган.

Кавшарларга қўйидаги асосий техник талаблар қўйилади: суюқ ҳолда оқувчанлик хусусиятининг юқори бўлиши; бириктириладиган юзаларни яхши ҳўллаш хусусияти; ишлов бериладиган юза бўйлаб осон тарқалиши; эриш ҳарорати асосий металлнинг эриш ҳароратидан паст бўлиши; чокларнинг етарлича мустаҳкам ва пластик бўлиши; коррозияга чидамлилик ва кавшарнинг иссиқлиқдан кенгайиш коеффициенти асосий металлнинг иссиқлиқдан кенгайиш коеффициентига яқин бўлиши.

Таъмирлаш корхоналарида ишлатиладиган кавшарлар икки гурухга: юмшоқ (эриш ҳарорати 450°C гача) ва қаттиқ (эриш ҳарорати 450°C дан юқори) кавшарларга бўлинади.

Биринчи гурухга таркибида қалай, висмут, кадмий, сурма ва бошка металлар бўлган кавшарлар киради. Улар аксарият метали юзаларини яхши ҳўллайди ва юқори пластиклик хусусиятига эга. Бундай кавшарлар воситасида кавшарлаш жараёни оддий асбоблар ёрдамида, масалан, кавшарлагич билан амалга оширилади. Биринчи гурухга мансуб кавшарлар унча юқори бўлмаган ҳарорат ва кичик зарбали юкланиш остида ишлайдиган деталларни кавшарлашда кўлланилади.

Юмшоқ кавшарлар қалай-кўрғошинли кавшарлар деб ҳам аталади. Бундай кавшарлар қалай, кўрғошин ва оз микдордаги сурма қотишмасидан иборат бўлиб, сурманинг микдорига кўра улар уч гурухга бўлинади: суръмасиз - ПОСИО, ПОС18, ПОС40, ПОС50, ПОС61 ва ПОС90; кам сурмали - ПОС-Су300,5, ПС)Су-40-0,5; сурмали - ПОССу 10-2, ПОССул5-2. ПОССу25-2. Бунда ҳарфлардан кейинги рақамлар кавшардаги қалай микдорини, чизиқчадан кейинги рақамлар эса сурманинг максимал микдорини кўрсатади.

ПОС18 кавшари умумий вазифани бажарувчи бирикмаларда қўлланилади; ПОСЗО, ПОС40 кавшарлар юқори мустаҳкамлик ва герметиклик талаб қилинадиган бирикмаларда ишлатилади; ПОС61, ПКС50 кавшарлари иш жараёнида оксидланиш бўлмаслиги талаб қилинадиган масъулиятли бирикмаларда ишлатилади. Бундай кавшарларнинг мустаҳкамлик чегараси 28-32 МПа га teng.

Иккинчи гурухга қийин эрийдиган кавшарлар киради. Уларнинг эриш ҳарорати асосий металлнинг эриш ҳароратидан кам (50-75°C) фарқ қиласди. Пўлатларни кавшарлашда мис ва унинг қотишмалари, кумуш ва унинг қотишмалари, никел асосли қотишмалар каби юқори ҳароратга чидамли ва мустаҳкам чок ҳосил қиласдиган кавшарлар кенг қўлланилади.

Мис ва мис-рухли қаттиқ кавшарлар сим ёки чивиқ тарзида бўлиб, Мл, М2 мислардан ва ЛК62-0,5, ПМС36, ПМС48 ва ПМС54 мис-рух қотишмаларидан иборат. Бунда кавшар маркаларидаги рақамлар миснинг микдорини кўрсатади. ПМС54 кавшари урилиш ва эгилиш юкланишлари бўлмаган шароитда ишлайдиган мис, бронза ва пўлат деталларни кавшарлашда ишлатилади; ПМС48 кавшари урилиш, тебраниш ва эгилиш юкланишлари бўлмаган, эриш ҳарорати 900°C дан юқори бўлган мис қотишмаларидан тайёрланган деталлар учун қўлланилади. ПМС36 кавшари жездан тайёрланган деталларни кавшарлашда қўлланилади. Бу кавшарнинг чўзилишидаги мустаҳкамлик чегараси 210-250 МПа га teng.

Кумуш кавшарлар осон эрийдиган ва стандарт хилларга бўлинади. Осон эрийдиган кавшарларнинг эриш ҳарорати 183-342°C ни ташкил қилиб, уларга кумуш билан қалай ёки кўрғошин билан сурма, ёки кадмийли қотишмалар киради. Бу кавшарларнинг қўйидаги турлари мавжуд: ПСр2, ПСр2,5, ПСр3-97, ПСрЮ-90 ва бошқалар. Бу ерда кумушнинг микдори 10% дан (ҳарфлардан кейинги рақамлар) ошмайди. Бундай кавшарлар электр симлари ва бошка электротехника бирикмаларни кавшарлашда ишлатилади. Стандарт кавшарлар (эриш ҳарорати 590-822°C), асосан, кумуш, мис ва рух қотишмаларидан иборат.

Улар таркибида жуда оз миқдорда қалай, кадмий, фосфор ва марганес элементлари ҳам бўлиши мумкин. Улар пўлатдан, мис ва унинг қотишмаларидан ясалган деталларни кавшарлашда қўлланилади. Бундай кавшарларга мисол тариқасида ПСрл2М, ПСр25, ПСр45, ПСрбб ва ПСр70 маркали қотишмаларни кўрсатиш мумкин (бунда рақамлар кумушнинг % даги миқдорини билдиради). Бундай кавшарлар энг юқори физик-механик хусусиятларга эга.

**? Деталларни таъмирашда қўлланиладиган қавшарларнинг қандай турлари мавжуд, кавшарлашни, пайвандлашдан фарқи нимадан иборат?**

### **Назорат саволлари**

1. Деталларни галваник метал қоплаш усули билан таъмирашдаги физик жараёнларни тушунтириб беринг.
2. Хром қатламининг турлари ва хромлаш жараёни ҳақида маълумот беринг.
3. Темирлаш ва унинг мақсади, темирлаш жараёнида қўлланиладиган электролитлар ва электролиз жараёнини айтиб беринг.
4. Деталларни таъмирашда полимер материаллар қандай қўлланилади?
5. Таъмирашда елимлардан фойдаланиш жараёнини тушунтиринг.
6. Деталларни кавшарлаш усули билан таъмираш ва кавшарлар тўғрисида маълумот беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Segin R Bello. Farm Tractor Systems Maintenance and Operation, 2012.
2. Omgx23532 Jo Operator's manual. John Deere tractors 100 Series. North American Version. Litho in U.S.A., 2010.
3. Macmillan R.H. The Mechanics of Tractor – Implement Performance. Textbook for students and Engenders. Theory and Worked Examples, 2002.
4. Шообидов Ш.А., Иргашев А. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникаси деталларини қайта тилаш методлари.— Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДТУ, И-қисм, 2008. 140 б.
5. Иргашев А., Шообидов Ш.А. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникаси деталларини қайта тилаш методлари.— Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДТУ, ИИ-қисм, 2008. 120 б.

## **2- амалий машғулот: Корпус деталларни ва валларни таъмираш жараёнлари<sup>1</sup> Ишдан мақсад**

**Машғулотнинг асосий мақсади** – Корпус деталларни ва валларни таъмираш жараёнлари бўйича билимларни шакллантириш.

### **Масаланинг қўйилиши**

#### **Машғулот вазифалари:**

- Корпус деталларни таъмираш;

<sup>1</sup>. Macmillan R.H. The Mechanics of Tractor – Implement Performance. A Textbook for students and Engenders. Theory and Worked Examples, 2002, p.17-19

- *Валларни таъмирлаши.*

### **Ишни бажариш учун намуна**

#### **1. Корпус деталларни таъмирлаш**

Цилиндрлар блокининг вкладишлари ўриндиқларида, газ тақсимлаш валинииг втулкаси ўрнатиладиган тешикларда, мой каналларида, силиндрлар (гилзалар) ёки клапан ўриндиқлари орасида иккитадан ортиқ, сув ғилофларида тўрттадан ортиқ дарзлар бўлса, силиндрлар блоки яроқсиз деб топилади.

Узатмалар қутиси корпуси, трансмиссия деталлари ёки орқа кўприк корпусларида, асосан, авария ҳолатидаги шикастланиш бўлганда ёки таъмирлаш корхонасининг технологик имкониятларига боғлиқ ҳолда, уларни таъмирлаш иқтисодий жиҳатдан номақбул бўлганда улар яроқсиз деб топилади.

Цилиндрлар блокидаги дарзлар ва ёриқлар электр ёйи воситасида ёки газ алангасида пайвандлаш йўли билан таъмирланади. Бундан ташқари, уларни ямоқ солиб, болтлар билан қотириш ёки пайвандлаш усуслари ёрдамида ҳамда полимер материаллар қўллаб ҳам таъмирлаш мумкин.

Узатмалар (трансмиссия ёки орқа кўприк) қутиси корпусидаги дарзлар куйдирувчи валиклар кўйиш йўли билан электр пайвандлаш ёрдамида тузатилади, бу эса чўяннинг оқаришини энг кичик даражагача камайтиради ҳамда пайванд чокида ва чок атрофи соҳасида ички кучланишлар ҳосил бўлишининг олдини олади. Бу усулда 30-35 мм узунлиқда биринчи пайванд қатлами қоплангандан сўнг, дархол унинг устига иккинчи қатламни дархол қоплаш натижасида чок кўпроқ қизийди, бунинг натижасида сementитнинг анча қисми парчаланади ва чокнинг тобланган қисми бўшашади, бу ҳол унинг қаттиқлигини пасайтиради ва қолдиқ кучланишлардан халос қиласи.

Сув ғилофининг сиртидаги дарзлар ямоқ солиниб, БФ маркали ёки эпоксид смолалари асосидаги елимлар билан еимлаб қўйилади.

Тешиклардаги бузилган ёки ейилган резбалар катталаштирилган резбалар очиш ёки вставкалар кўйиш йўли билан тикланади. Резъбалари ейилган шпилкалар, одатда, таъмирланмайди ва яроқсиз деталлар қаторига киритилади.


Газ тақсимлаш валиниинг ейилган втулкаси каттароқ ўлчамга йўниш ва таъмирлаш ўлчами бўйича ясалган қўшимча втулка ўрнатиш йўли билан таъмирланади.

Цилиндрлар блокидаги вкладишлар ўриндиқларидаги ейилишлар, оваллик конуслилик пайвандлаш, темирлаш ёки эпоксид смоласи асосидаги еимли таркиблар билан тузатилади. Агар вкладишларнинг таянч юзалари ўқларининг бир ўқда ётиши ейилиш ва таянч юзаларининг деформасияси натижасида бузилса, улар текис жилвирлаш станокларида жилвирланиб, баландлик бўйича 0,3 мм га камайтирилади. Шундан сўнг қопқоқлари жойига ўрнатилган ҳолда қотирилиб, маҳсус ёки бўйлама йўнувчи станокда тешик нормал ўлчамгacha йўнилади.

Блок устёпмаси таянч юзасининг қийшайганлиги ётиқ жилвирловчи ёки маҳсус мосланган вертикал тешувчи станокларда тўғриланади.

Цилиндр ва силиндрлар гилзасининг асосий нуқсонларида ички (ишли) юзаларининг ейилиши ва бузилиши киради. Цилиндр гилзалари иш жараёнида поршен ҳалқаларининг ишқаланиши, абразив заррачалар газ эрозияси ва юкори ҳарорат таъсирида ейилади. Ишли аралашма аланга олганда газларнинг поршен ҳалқаси остидан (айникса юкориги ҳалқадан) ёриб ётиши содир бўлади. Бунинг натижасида поршен ҳалқаларининг поршен деворига (гилзага) бўлган нисбий босими кўтарилади ва силиндрнинг мойланиш шароити ёмонлашади. Иш аралашмасининг алангаланишини ёмонлаштиради, чунки у мойнинг

қовушоқлигини ва мой пардасиннг мустаҳкамлигини пасайтиради. Цилиндрнинг (гилзанинг) мойсиз юзаси газ коррозияси таъсирида емирилади. Ейилиш натижасида силиндр (гилза) узунлиги бўйича конуссимон, диаметри бўйича эса овалсимон бўлиб қолади.



**15-расм. Цилиндр-нинг ейилиш схемаси**

Цилиндрлар ейилишининг асосий сабаби поршен ҳалқаларининг ишқаланиши ва газ коррозиясидир. Цилиндрларнинг овалсимон бўлиб қолишига поршеннинг силиндр деворига босими бир хил эмаслиги сабаб бўлади. Цилиндрнинг (гилзанинг) юқори қисмлари энг кўп ейилади, чунки силиндрнинг бу қисми юқори босим ва ҳарорат шароитида ишлайди, бу жойда кимёвий актив бирикмаларнинг концентрасияси юқори ва мойлаш шароити ёмон бўлади. Цилиндрлар, асосан, номинал ўлчамдан катта бўлган, таъмирлаш ўлчамларига тўғри келувчи поршен қўйиш йўли билан таъмирланади. Шуни ҳисобга олиш керакки, ЯМЗ, А-01М, А-41 ва Д-47 моторлари ва уларнинг барча модел ва модификацияларида мотор силиндрларининг гилзалари учун таъмирлаш ўлчамлари мавжуд эмас. Бошқа трактор моторлари силиндрларининг гилзалари нормал ўлчамга нисбатан 0,7 мм га катталаштирилган таъмирлаш ўлчамлари асосида тикланади.

Бунда бир блокдаги барча силиндрларга бир хил таъмирлаш ўлчамида ишлов бериш керак.

Агар силиндрлар таъмирлаш ўлчамларидан кўпроқ ейилган бўлса, улар номинал ўлчам бўйича янги гилзалар қўйиш йўли билан тикланади.

Цилиндрларни йўниш махсус кўчма ёки қўзгалмас йўнувчи станокларда амалга оширилади. Дўчма йўниш дастгоҳлари, одатда, қуввати жиҳатидан унча катта бўлмаган таъмирлаш устахоналарида қўлланилади, ихтисослашган таъмирлаш корхоналарида эса қўзғалмас, 277 Н турдаги вертикал йўнувчи станоклардан фойдаланилади. Йўниш учун токарлик станокларидан ҳам фойдаланиш мумкин, бунинг учун махсус мосламалар ишлатилади. Цилиндрларни йўнишда технологик база сифатида қилинрлар блокининг пастки текислиги ва силиндрнинг юқори қисмидаги фаскаси хизмат қиласи. Гилзаларни йўнишда ёки жилвирлашда база сирт вазифасини ташқи белбоғи ва гилзанинг юқори кўндаланг текислиги бажаради.

Цилиндрларни марказлаштириш учун марказлаштирувчи тўғрилагич оправка (қисқич) ва индикатори бор мослама қўлланилади. Цилиндрлар блоки станокнинг столига ўрнатилгандан сўнг шпинделнинг тешигига марказлаштириш учун тўғрилагич (оправка) қўйилади (5.2-расм, а). Тўғрилагични шундай йўниш керакки, унинг сферик уни шпинделнинг марказидан  $D/2$  масофада ёки ўлчаш қулай бўлиши учун шпинделдан  $l=(d+D)/2$  масофада жойлашсин. Сўнгра тўғрилагич қотирилиб, шпиндель блокнинг

силиндрига шундай туширилиши керакки, бунда тўғрилагичнинг шарсимон учи блокнинг сиртидан 3-4 мм чуқурлиқда жойлашсин. Марказлаштириш шпинделни буриш орқали амалга оширилади. Кейин силиндрлар блоки столга болтлар ва тутиб тургичлар билан маҳкамланади.

Хомаки хонинглаш, одатда, йирик донали керамик боғловчи доналари 10-16 бўлган тўрт қиррали яшил кор-борундли қайроқтошларда ёки АСР 50/40, АСР 100/80 синтетик олмос чорқирра қайроқтошларда якуний хонинглашга 0,002-0,03 мм қўйим қолдириб амалга оширилади. Якуний хонинглаш АСМ 20/14, АСМ 28/40 синтетик олмосдан ясалган тўрт қиррали қайроқтошлар ёрдамида амалга оширилади. Цилиндрлар хонинглангандан сўнг, уларнинг оваллилиги ва конуслилиги 0,02 мм дан ошмаслиги, ғадир-бутирлиги 9-синф даражасидан паст бўлмаслиги назорат қилинади.

Барча нуқсонлар тузатилгандан сўнг таъмирланган силиндрлар блокидаги сув ғилофларининг герметикилиги синалиши зарур. Синаш учун, одатда, маҳсус гидравлик КИ-5372 турдаги курилмалардан фойдаланилади.

Узатмалар қутиси корпусидаги подшипник ўриндиқларининг ейилиши эпоксид смолалари асосидаги таркиблар, маҳаллий ванна қўллаш юли билан темирлаш ёки подшипник ўриндиқларига қўшимча деталлар (втулкалар) қўйиш йўли билан таъмирланади. Подшипникларнинг ўриндиқларини эпоксид таркиблар билан таъмирлаш қўйидаги кетма-кетликда олиб борилади:

- узатмалар қутиси корпусини йўниш станогига жойлаштириш ва ейилган тешикни маҳсус тўғрилагичлар ёрдамида станок шпинделига нисбатан марказлаштириш;
- узатмалар қутиси корпусини маҳкамлаш;
- тешик юзасини ёғсизлантириш;
- эпоксид таркибини суртиш ва хона ҳароратида 10 минут давомида қуритиш;
- пўлат 40 дан тайёрланган тўғрилагич билан таянч жойида номинал ўлчамда тешик очиш;
- узатмалар қутисини олиш ва қопланган таркиб қотгунча ушлаб туриш.


Подшипникларнинг ўриндиқларини темирлаш усули ёрдамида тузатишда ундаги ўткир қирралар ва урилган жойлар бартараф қилинади, бензин билан ювилади, сўндирилган оҳак билан ёғсизлантирилади ва шундан сўнг юқори концентрасияли хлор ёки сулфат электролитларда темирланади. Бунда ваннасиз ёки маҳаллий темирлаш усули қўлланилади. Тешик темирлангандан сўнг тешикнинг нормал ўлчамини олиш учун прошивка билан механик ишлов берилади.

Узатмалар қутиси корпусидаги подшипникларнинг ўриндиқларини қўшимча деталлар ўрнатиш усули билан тузатишда тешик каттароқ ўлчамга йўнилиб, у ерга аввалдан ясалган қўшимча детал (втулка) прессланади ва у винтлар ёки елимлар билан маҳкамлаб қўйилади. Сўнгра втулкага подшипник ўрнатиладиган тешикнинг номинал ўлчами бўйича механик ишлов берилади. Ўқ ва валларнинг қийшиқ туриши ва параллелмаслиги ҳам узатмалар қутиси корпусига қўшимча детал (втулка) ўрнатиб ва унга маҳсус мосламалар қўллаб, станокларда механик ишлов бериш орқали бартараф қилинади.

### ? Корпус деталларни таъмирлашнинг қандай усуллари қўлланилади?

#### 3. Валларни таъмирлаш

Тирсакли валларни таъмирлаш. Трактор моторларининг тирсакли валлари, асосан, 45 ва 50 пўлатларидан ясалади. Тирсакли валларни саралашда уларда бирор дарз учраса, яроқсиз деб топилади (бундан вал бўйинларида учрайдиган, таъмирлаш ўлчамлари бўйича жилвирланганда йўқоладиган дарзлар истисно).



**16-расм. Моторининг тирсакли валида учрайдиган жойлар схемаси**

Тирсакли валларнинг ўзак ва шатун бўйинларининг ейилиши нотекис бўлади. Ейилиш қиймати подшипник ва бўйинлар ўқларининг ўзаро мос келишига, улар билан бирлаштирилган деталларнинг мувозанатланганлигига, мойнинг сифатига ва бошқа сабабларга боғлиқ. Тирсакли валлар бўйинларининг узунлик бўйича ейилиши унинг айланаси бўйича ейилишдан фарқ қиласди. Шатун бўйинлари узунлик бўйича конуссимон, диаметр бўйича эса овал, умуман, эллипс шаклини олади. Улар ўзак бўйинларга нисбатан кўпроқ ейилади. Бунинг устига, шатун бўйинларининг кривошип текислигига қараган томони кўпроқ ейилади. Шунинг учун ҳам тирсакли валларни саралашда бўйинларни бир-биридан 10 мм масофадаги икки кесимда ва икки текисликда (кривошип текислигига ва унга перпендикуляр текисликда) ўлчаш лозим. Агар шатун бўйинларининг эллипссимонлиги 0,05 мм дан, ўзак бўйинларининг эллипссимонлиги эса 0,06 мм дан ортиқ ҳамда юлиниш, ўйилиш, чуқур тирналиш ёки ейилишлар бўлса, улар таъмир ўлчамларидан бирортаси бўйича жилвирлаш (сўнг жилолаш) билан тикланади. Агар бўйинларнинг ейилиш микдори таъмир ўлчамлари чегарасидан чиқиб кетган бўлса, уларга металл флюс қатлами остида автоматик суюқлантириб қопланади ва номинал ўлчам бўйича механик ишлов берилади.

### ? Тирсакли валларнинг нуқсонлари нималардан иборат?

Тирсакли валларни жилвирлашни уларнинг ўзак бўйинларидан бошлиш керак. Бунда ўрнатиш базаси қилиб тўсқич (храп) ўрнатиладиган тешик фаскаси ва вал учидаги подшипник ўрнатиладиган тешик ёки унинг фаскаси олинади. Сўнгра шатун бўйинлари жилвирланади, бунда ўрнатиш базалари сифатида тишли ғилдирак ўрнатиладиган бўйин ва маҳовик ўрнатиладиган фланеснинг ташқи силиндрик юзаси ёки жилвирланган ўзак бўйини олинади. Тирсакли вал жилвирлангандан сўнг унинг барча шатун ва ўзак бўйинлари бир йўла ГОИ №20-30 пасталаридан фойдаланган ҳолда жилвирланади. Тирсакли валлар жилвирлангандан (жилолангандан) сўнг, уларнинг мой йўллари яхшилаб ювилади, сиқилган ҳаво билан тозаланади, кейин эса текшириб кўрилади. Ўзак бўйинларининг ва маҳовик қотириладиган фланеснинг уриши ҳамда вал кривошипининг радиуслари маҳсус мосламаларда текширилади. Бунда қуйидаги талабларга риоя қилиниши зарур: подшипниклар ўрнатиладиган бўйинларнинг овалсимонлиги ва конуссимонлиги, двигателнинг турига боғлиқ ҳолда, 0,01-0,02 мм дан ошмаслиги, тишли ғилдирак ўрнатилган бўйиннинг ва ўртадаги ўзак бўйинларнинг четки бўйинларга нисбатан уриши 0,03 мм дан ошмаслиги; маҳовик маҳкамланадиган фланеснинг охирги чекка нукталарга нисбатан уриши 0,04 мм дан ошмаслиги; бўйин юзаларининг ғадир-будирлиги 9-синф даражасидан паст бўлмаслиги; галтелларнинг радиуслари ва кривошипининг радиуслари техник талабларга мос келиши керак.

### ? Тирсакли валлар қандай таъмирланади?

#### Назорат саволлари

1. Корпус деталларида қандай нуқсонлар учрайди?
2. Цилиндрлар блокидаги дарзлар ва ёриқлар қандай таъмирланади?
3. Двигател силиндрининг ейилиш характеристини тушунтириб беринг.

4. Цилиндрларни таъмирлаш жараёнини қандай амалга оширилади?
5. Тирсакли валга ҳос бўлган нуқсонлар қайсилар?
6. Тирсакли валнинг бўйинларини механик ишлов бериш йўли билан таъмирлаш жараёнини келтиринг.
7. Газ тақсимлаш валида қандай нуқсонлар учрайди?
8. Тирсакли вал кулачогини жилвирлаш усули таъмирлаш жараёнини тушунтиринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Segin R Bello. Farm Tractor Systems Maintenance and Operation, 2012.
2. Omgx23532 Jo Operator's manual. John Deere tractors 100 Series. North American Version. Litho in U.S.A., 2010.
3. Macmillan R.H. The Mechanics of Tractor – Implement Performance. Textbook for students and Engenders. Theory and Worked Examples, 2002.
4. Шообидов Ш.А., Иргашев А. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникаси деталларини қайта тилаш методлари.— Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДТУ, И-қисм, 2008. 140 б.
5. Иргашев А., Шообидов Ш.А. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникаси деталларини қайта тиклаш методлари.— Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДТУ, ИИ-қисм, 2008. 120 б.

### **З-амалий машғулот: Тупроққа ишлов берувчи машина ва ускуналарни тиклаш, экиш машиналарининг ишчи органларини таъмирлаш<sup>1</sup>**

**Ишдан мақсад-** Тупроққа ишлов берувчи машина ва ускуналарни тиклаш, экиш машиналарининг ишчи органларини таъмирлаш бўйича кўнгилмаларни шакллантириш.

#### **Масаланинг қўйилиши**

##### **Машғулот вазифалари:**


- тупроққа ишлов берувчи машина ва ускуналарни тиклаш;
- култиваторлар кафтини таъмирлаш.

#### **Ишни бажариш учун намуна**

##### **Тупроққа ишлов берувчи машина ва ускуналарни тиклаш**

**Лемехларни тиклаш.** Лемехлар ишлаш жараёнида қуйидаги нуқсонларнинг бирига мувофиқ яроқсиз ёки таъмирланадиган деб топилади.

**Характерли ейилишлар.** Лемехларнинг ишлаш жараёнида устки томони, учи ва кесувчи қисми ейилади.



**20-расм. Ўртача ва оғир тупроққа ишлов берилганда лемех кескичининг ейилиш характеристи**

<sup>1</sup> The Mechanics of Tractor – Implement Performance. A Textbook for students and Engenders. Theory and Worked Examples, 2002, p.24-26

Лемехнинг учи кесувчи қисмининг тўғри қисмининг ейилиш жадаллиги бажариладиган ишнинг ҳажмига боғлиқ. Кесувчи қисмининг орқа қисмида кенглиги  $\chi$  га, бурчаги  $\alpha$  менг бўлган фаска ҳосил бўлади. Турли тупроқ шароитида ишлаганда лемех юза қисмининг, учининг ва кесувчи қисмининг ейилиши турлича. Шунинг учун ҳам лемех сиртларининг бирортаси чегаравий ейилишга етганда яроқсиз ҳисобланади.

Қаттиқ ва ўртача тупроқларда ишловчи лемех, одатда орқа фаскаси чегаравий кенгликка етганда яроқсиз ҳисобланади, чунки унинг юза сирти кам ейилади. Лемех орқа фаскасининг чегаравий кенглиги, у ўртача тупроқда ишлаганда бурчаги  $\alpha = 10^\circ$  бўлганда 6-8 мм ни, қаттиқ тупроқда ишлаганда эса,  $\alpha = 20^\circ$  бўлганда 3-4 мм ни ташкил қиласди. Фаска кўрсатилгандан лемех чуқурлиги бўйича нотекис ишлов беради. Чуқурлиги бўйича нотекис ишлов бериш лемехни тупроқка босиб киритилиши билан боғлиқ, бунда тупроқ понанинг орқа фаскаси ва тупроқнинг бўшатилмаган зич қатлами орасига тушади. Орқа фаска катта бўлганда плугни ботириб бўлмайди.


Кумоқ ва қумли, айникса нам тупроқлар шудгорланганда лемехнинг юза сирти кўпроқ ейилади. Лемехнинг кесувчи қисми яроқли бўлиб, унинг учи кўпроқ ейилган бўлса, у яроқсиз ҳисобланади. Лемехнинг орқа фаскасини қийшиқлик бурчаги унча катта ( $\alpha < 10^\circ$ ) эмас ва у плугнинг ишига сезиларлик таъсир кўрсатмайди.

### **? Лемехларда қандай нуқсонлар учрайди ва улар қандай таъмирланади?**

**Чўзиб тиклаш.** Лемехнинг шакли ва кесувчи қисмининг фаскаси темирчилик устахонасида болғалаб чўзиш йўли билан тикланади.

Лемехнинг қалин қисми (магазинни)ни болғалаб чўзишда қиздирилган metall кувалда ёки пневматик болғанинг зарби билан ейилган жойларига силжитилади. Лемехни болғалаб чўзиш  $1200^\circ\text{C}$  да бошлаб  $800^\circ\text{C}$  тутатилади. Паст ҳароратда болғалаб чўзиш лемехнинг кескичидаги дарзлар пайдо бўлишига олиб келади.

Тикланган лемехнинг шакли шаблон (6.2-расм) да текширилади. Лемех ўлчамларидаги фарқ шаблондагидан кенглиги бўйича  $\pm 5$  мм, узунлиги бўйича  $\pm 10$  мм фарқ қилиши рухсат этилади. Шу шаблон орқали қотириш болтларининг тешикларини ҳолати ва лемех орқасининг тўғри чизиқлилиги ҳам текширилади. Чўзилган лемех олд томонидан қумтош билан  $25-35^\circ$  бурчак остида кескичининг қалинлиги 1 мм дан катта бўлмаган қалинликда чархланади.



**21-расм. Чўзилгандан сўнг лемехни текшириш учун шаблон: 1-шаблон дастаси; 2-тешикни холатини текшириш учун штирлар; 3-тешиклардаги штирлар холатини**

Лемех чўзилгандан сўнг тобланади ва сўнг бўшатилади. Тоблаш лемехларни иш қобилятини 2-3 бараварга оширади. Лемех бир текис қизитилгандан сўнг кескич томондан кенглигининг учдан бир қисми  $780-820^\circ\text{C}$  гача лемех орқаси билан 4-6 см га илик тузли сувга

ботирилади. Тузли сув яхши иссиқлик хусусиятига эга бўлиб, лемехни яхши тобланишга ёрдам беради. Лемех орқаси билан сувга туширилганда, тоблаш пайтида кескични дарз кетишининг олди олинади. Мураккаб шаклли лемехларни лемех жисмини учига ўтиш жойда дарз кетишини олдини олиш учун сувга туширишдан аввал 2-3 с давомида ҳўл латта билан ҳўллаб турилади.

Лемех 350°C ҳароратда бўшатилади, совитиш ҳавода олиб борилади. Лемехнинг бўшатилиши уни мўртлигини камайтириш учун керак. Тоблаш сифати эгов ва массаси 0,5 кг бўлган болға билан текширилади. Бунда эгов лемех кескичи бўйича сирпанганда, из қолмаслиги лозим. Болға 0,3-0,4 м баландликдан эркин тушганда кескичининг ранги қизармаслиги лозим.

### **? Чўзиб тиклаш усули қандай амалга оширилади?**

**Кескични пайвандлаб тиклаш.** Лемех магазинидаги металл заҳирасидан тўлиқ фойдаланилганда унинг кескичини пайвандлаш йўли билан тиклаш мумкин. Бунинг учун дастлаб яроқсиз лемехлардан, дала тахтасидан ва б. ўлчамига мос келувчи бўлакча тайёрланади. Ушбу бўлакчани темирчилик усули билан, газли ёки электр ёйли пайвандлаш билан эритиб ёпиштириш мумкин. Темирчилик усули билан пай- вандланганда лемех ва бўлакча устма-уст қўйиб, бир-бирларини 3-4 см қопладиган қилиб пайвандланади. Лемех ва бўлакчанинг қопланиш жойлари қовариқ сиртга эга бўлиши лозим. Лемех ва бўлакча 1100-1200°C қиздирилгандан сўнг, уларнинг сиртига, флюс сифатида тоза дарё қуми сепилади ва темирчилик усули билан пайвандланади. Бирлаштириувчи қисм сиртларининг қовариқлиги натижасида, ҳосил бўлган шлак қопланиш зонасидан осонгина сиқиб чиқарилади. Лемехга бўлакча унинг ўрта қисмидан бошлаб эритиб ёпиштирилади.

Бўлакчани газ ёки электр ёйли эритиб ёпиштириш ананавий усулда бирлаштириладиган деталларнинг 45° лик фаскасида олиб борилади.

Бўлакча эритиб ёпиштирилгандан сўхг лемех чўзилади, ўткирланади ва унга термик ишлов берилади.

Янги ва темирчилик усулда чўзиб тикланган лемехларнинг таъмиrlаaro ресурси жуда паст, уларнинг ўртача бажарган иш ҳажми 1-4 га ни ташкил қиласи.

### **? Кескичларни пайвандлаб таъмиrlаш қандай олиб борилади?**

**Сормайт билан эритиб қоплаш.** Лемехларнинг кескинчларини сормайт №1 қаттиқ қотишмаси билан эритиб қоплаш усулида ейилишбардошлигини ошириш услуби ишлаб чиқилган. Бундай лемех шудгорлашда ўз-ўзидан ўткирланади. Шунинг натижасида лемехнинг хизмат муддати тошсиз ва йирик қумсиз тупроқларда 10-12 маротабагача ортади.

Сормайт билан лемехнинг кескичи пастки томонидан эритиб қопланади. Қаттиқ қотишма билан эритиб қоплаш лемехнинг устки томонидан амалга оширилса, тезда лемехнинг орқа томонида кенг фаска ҳосил бўлишига олиб келади.

Лемех кескичини ўз-ўзидан ўткирланиши лемех кескичининг қалинлиги ва қаттиқ қотишманинг мақбул нисбатида содир бўлади. Бу нисбат 1-1,2 ни ташкил этади. Лемех кескичини қалинлигини кичиклашганда унинг материали суюқлантириб қопланган қатламдан тезроқ ейилади, бунинг натижасида қаттиқ қотишма қатлами очилиб қолади ва унинг натижасида синиб тушади. Агар лемех кескичининг қалинлиги мақбул даражадан каттароқ бўлса, қаттиқ қотишма қатлами ишлаш даврида тезроқ ейилади, кескичда фаска ҳосил бўлиб, у тезроқ ўтмаслашади.

Ўз-ўзидан ўткирланадиган лемехларни ясаш жараёни болғалаб чўзишдан, қаттиқ қотишмани эритиб қоплашдан, текислашдан ва ўткирлашдан иборат. Лемех кескичи

ананавий усулда болғалаб чўзилади. Бунда кескичнинг зарур бўлган қалинлигини ва қийшиқлик бурчагини олиш мухим аҳамиятга эга.


Кескич қалинлиги шаблонда текширилади. Болғалаб чўзилган лемех кескичини шаблон оралиқчасидан 3 мм дан ортиқ чиқиб қолмаслиги лозим. Кескичнинг зарур бўлган бурчагини ҳосил қилиш учун уни болғалаб чўзишни ишчи юзасининг қийшиқлик бурчаги  $8^{\circ}$  га тенг бўлган масус ургичли болғалаш дастгоҳида олиб борилгани мақсадга мувофиқ.

Кескич болғалаб чўзилгандан сўнг газ горелкасида №4 наконечник ёрдамида тикловчи алангода қаттиқ қотишма билан суюқлантириб қопланади. Флюс сифатида қизитилган танакордан фойдаланилади. Суюлтириладиган сормайт № 1 диаметри 6 мм бўлган симдан изборат.

Еритиб қопланган қатлам шаблон билан текширилади. Кескичлар ўткирловчи дастгоҳларда текисланади. Бунда эритиб қопланган қатлам кескичнинг бутун узунлиги бўйича тозаланади. Текислаш натижасида кескичнинг мослашуви тезлашади.

Лемехнинг олд қисмини ейилиш тезлигини камайтириш учун уни тоблаш, дала кескичининг охирги учининг сиртини эса қалинлиги 3-4 мм бўлган сормайт билан эритиб қоплаш мақсадга мувофиқ. Ундан сўнг кескич олд томонидан  $25-35^{\circ}$  бурча остида ўткирланади. Лемехнинг қаттиқ қотишмаси ейилгандан сўнг, уни қайтадан эритиб қоплаш мумкин.

Лемехларнинг таъмирлараро ресурсини 30-35 % га ошириш мумкин, унга қаттиқ қотишмани оралиқ қолдириб эритиб қоплаш билан эришиш мумкин Эритиб қоплашдан олдин лемехни болғалаб чўзиш талаб этилмайди.



**22-расм. Сормайт №1 қотишмаси билан узук-узук еритиб қопланган лемех**

Лемех учидағи сормайтнинг қалинлиги 1,7-2,5 мм, кескичнинг қолган қисмлари 1,4-2,0 мм қалинликка эга бўлиши лозим. Эритиб қопланган лемех юза томондан  $20-25^{\circ}$  бурчак остида кескичнинг қалинлиги 0,5-1,5 мм бўлгунга қадар ўткирланади. Бундай лемех ишлатиш шароитида тишлиқ бўлиб қолади, бунинг натижасида плуг яхши чукурлашади ва ҳатто лемехнинг олд қисми бироз ўтмаслашган бўлсада, у барқарор ишлайди.

### **? Сормайт билан таъмирлаш жараёнини тушунтиринг?**

**Отвалларни тиклаш.** Отвалларнинг кўкраги ва дала кескичи кўпроқ ейилади. (6.6-расм). Дала кескичи камроқ ейилганда сормайт №1 билан эритиб қопланади. Эритиб қоплангандан сўнг отвалнинг сирти махсус дастгоҳларда ишлов берилади. Отвалнинг олди синиб тушганда ва ката миқдорда ейилганда, ейилган қисм олиб ташланади ва унинг ўрнига шакли тўғри келувчи, пўлат отвалдан кесиб олинган заготовка пайвандлаб қўйилади. Заготовка ва отвалнинг олд ва орқа томонларига  $45^{\circ}$  фаска очилади. Заготовка э-42 электроди билан отвалга пайвандлаб қўйилади. Пай- вандлангандан сўнг отвалнинг олд томони махсус дастгоҳда тозаланади. Худди шу йўсинда синиб тушган қанотлар ҳам пайвандланади. Орқа томонини мустаҳкамлигини ошириш учун унга устқўйма пайвандланади. Пайвандлашда чок атрофидаги зонани ҳаддан ташқари қизиб кетишини олдини олиш учун нам тупроқ билан қоплаш лозим.

**Дала тахталарини тиклаш.** Дала тахталарининг асосан ҳайдаш томонга қараган сирти кўпроқ ейилади.

Ейилган олдинги корпусларнинг дала тахталарини  $180^{\circ}$  га буриб улардан қайта фойдаланиш мумкин. Бунда янги квадрат тешиклар қизитилган деталларда аввалдан белгилаб кўйилган жойни тешиб ва зенкерлангандан сўнг квадрат тешкич билан тешилади. Ундан сўнг эса дала тахтасига термик ишлов берилади.

**Плуг пичоқларини таъмирлаш.** Иш бажариш пайтида дискали пичоқлар ўтмаслашади ва кесиш қирралари нурайди. Диск токарлик дастгоҳида комбинацияланган Т15К6 қаттиқ қотишмадан иборат пластинкали кескич 0,3-0,5 мм қалинликда ўткирланади. Ўткирлаш комбинациялашган кескич билан дастлаб бир томонидан, сўнг иккинчи томонидан ўткирланади. Бунда дискнинг айланишлар частотаси 30-45 айл/мин ни ташкил қиласди.

**? Отвалларнинг, дала тахталарини тиклашнинг, плуг пичоқларини нинг нуқсонлари нималардан иборат ва улар қандай таъмирланади?**

### **Назорат саволлари**

2. Лемехлар қайси усулда тикланади?
3. Плуг ўрнатмалари қандай тикланади?
4. Селкаларнинг экувчи аппаратларини таъмирлаш нималардан иборат?
5. Дискли сошниклар қандай усулларда таъмирланади?
6. Йиғувчи машиналарнинг кесувчи аппаратларининг асосий нуқсонлари нималардан иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Segin R Bello. Farm Tractor Systems Maintenance and Operation, 2012.
2. Omgx23532 Jo Operator's manual. John Deere tractors 100 Series. North American Version. Litho in U.S.A., 2010.
3. Macmillan R.H. The Mechanics of Tractor – Implement Performance. Textbook for students and Engenders. Theory and Worked Examples, 2002.
4. Шообидов Ш.А., Иргашев А. Тракторлар ва кишлоқ хўжалик техникаси деталларини қайта тиклаш методлари.— Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДТУ, И-қисм, 2008. 140 б.
5. Иргашев А., Шообидов Ш.А. Тракторлар ва кишлоқ хўжалик техникаси деталларини қайта тилаш методлари.— Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДТУ, ИИ-қисм, 2008. 120 б.

## **V. КЕЙСЛАР БАНКИ**

**1-Кейс:** Ички ёнув двигатели системаларидаги мойнинг босими 0,08-0,10 МПа ни ташкил қилди натижада двигательнинг трисакли вал соҳасида таққиллашлар пайдо бўлди, двигательнинг тортиш кучи пасайди, ёнилғи сарфи 15 – 25% га ортди. Бу ҳолат ишлатиш корхонасининг техник иқтисодий кўрсатгичларига салбий таъсир кўрстди. Двигательнинг носозлиги билан боғлиқ бўлган муаммога аниқлик киритиш учун машина ишдан тўхтатилиб двигателнинг кривошип шатун механизми бўлакларга ажратилди, унинг тирсакли вали бўйиларида микрометраж ўtkазилганда, улардаги ейилиш шатун ва бош бўйинларда 1,3-1,5 мм оралиғида эканлиги аниқланди. Двигательнинг техник паспортида келтирилган маълумотларга қараганда бундан олдинги

таъмирлашда тирсакли вал бўйинлари учинчи таъмир ўлчами бўйича механик ишлов берилганлиги аниқланди. Тирсали вал Пўлат 45Х дан ясалганлиги маълум бўлди. Двигателнинг тирсакли вални ҳолатига қараб уни таъмирлаш лозим эканлиги тўғрисида қарорга келинди. Муаммо ечимини излаб топинг ва таклифлар киритинг. Двигателни иш кобилятини тиклаш учун тирсакли қандай усувларда таъмирланиши мумкин.

### **Кейсни амалга ошириш босқичлари**

<b>Босқичлар</b>	<b>Топшириқлар</b>
1-босқич	Тақдим этилган аниқ вазиятлар билан танишиб чиқинг. Муаммоли вазият мазмунига алоҳида эътибор қаратинг. Муаммоли вазият қандай масалани ҳал этишга бағишлиланганлигини аниқланг.
2-босқич	Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқланг. Ўз фикрингизни гурӯҳ билан ўртоқлашинг. Муаммони белгилашда исбот ва далилларга таянинг. Кейс матнидаги ҳеч бир фикрни эътибордан четда қолдирманг.
3-босқич	Гурӯҳ билан биргалиқда муаммо ечимини топинг. Муаммога доир ечим бир неча вариантда бўлиши ҳам мумкин. Шу билан бирга сиз топган ечим қандай натижага олиб келиши мумкинлигини ҳам аниқланг.
4-босқич	Гурӯҳ билан биргалиқда кейс ечимига доир тақдимотни тайёрланг. Тақдимотни тайёрлашда сизга тақдим этилган жавдалга асосланинг. Тақдимотни тайёрлаш жараёнида аниқлик, фикрнинг ихчам бўлиши тамойилларига риоя қилинг

**2-Кейс:** Механизаторнинг берган ахборотига кўра шудгорлашда трактор талаб этилган ҳайдов чуқурлигига эришиш учун паст узатмада, юқори тортиш ишлади, бу трактор томонидан сарф этиладиган ёнилғи мойлаш материаллари сарфини 15 - 25 % га ортишига, иш унумини 40 - 50% пасайишига олиб келди. Плуг бўйича ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, плуг лемехининг кесувчи қисмини 10 - 12 мм га кичиклашганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат тракторни катта тортиш кучида ва ёнилғи сарфида ишлаши талаб этилганлигини тасдиқлади ва муаммо ечими лемехни кесувчи қисмини ўткирлаш лозим эканлиги аниқланди. Тракторнинг тортувчанлигини нормал ҳолатга келтириш учун лемехни ўткирлашнинг мақбул усувларни таклиф этинг.

### **Кейсни амалга ошириш босқичлари**

<b>Босқичлар</b>	<b>Топшириқлар</b>
1-босқич	Кейс билан танишиб чиқинг. Муаммоли вазият мазмунига алоҳида эътибор қаратинг. Муаммоли вазият қандай масалани ҳал этишга бағишлиланганлигини аниқланг.
2-босқич	Таҳлил натижасида плуг лемехининг кесувчи қисмини 10-

	12 мм га қисқариши лемез кесувчи қисмини ўтмаслашувига ва тракторни паст узатмада кичик тезликда ҳаракатланишига, ёнилилғи сарфини 15 - 25% га ортиши, лемехни ўкирлаш лозим эканлиги бўйича қарор қабул қилинг.
3-босқич	Муаммо ечими лемехни ўкирлаш услларига боғлиқ эканлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш, тракторнинг тортувчанигини ва ёнилғи сарфини нормал ҳолатга келтириш учун лемехни ўкирлаш усули мақбул эканлигини изоҳланг.
4-босқич	Кейс ечими бўйича ўз фикр-мулоҳазангизни ёзма равишда ёритинг ва тақдим этинг.

## КЕЙСЛИ ВАЗИЯТЛАР

### **(Ўқув машғулотларида фойдаланиш учун тавсия этилади)**

**1-Кейс:** Двигател газ тақсимлаш валининг таянч втулкалари бронздан ясалган. Машинадан фойдаланиш даврида втулка ташқи диаметри бўйича 0,05 мм га ейилганлиги аниқланди бунинг натижасида втулка ва у ўтқазиладиган тешик ўртасидаги ўтказиш бузилди ва тешикда втулка экин айланадиган бўлиб қолди. ушу ҳолат натижасида газ тақсимлаш механизмининг клапанларини нормал иш ҳолати бузилди. Двигателнинг ёнилғи сарфи 15-20% га кўпайди ва машинанинг техни тайёргарлик коэффицентини пасайиш ҳисобига машиналарни таъмирлаш туриш вақти ортиб кетди. Ушбу ҳолат корхонанинг молиявий томонларида салбий таъсир кўрсатди.

**Сизнинг фикрингизча бу муаммони ҳал қилишнинг қандай йўли ёки йўллари мавжуд? Ўз фикрингизни билдиринг.**

**2-кейс:** Трактордан фойдаланиш жараёнида отвал лемехи 5-6 га ерни шудгорлагандан сўнг унинг кесувчи қисмини ейилиши натижасида у ўтмаслашди ва шудгорлаш сифати пасайди ва унуми 45-50% га тушиб кетди. Шудгорлаш вақтининг чегараланганигини, тракторни таъмирлашда туриб қолиш вақтини пасайтириш ва лемехнинг иш ҳажмини 100-120 га етказиш талаб этилди. Лемехни кесувчи қисмининг ейилишбардошлигини ошириш, унинг иш унумини белгиланган ҳажимга етказиш учун унда ўз-ўзидан ўтирланиш самарасини ҳосил қилиш белгиланди. Лемехнинг кесувчи қисмida ўз-ўзидан ўтирланиш самарасини ҳосил қилиувчи қаттиқ қотишма материаллари варианнтлари етарлича бўлганлигини ҳисобга олиш талаб этилади.

**Ўз-ўзидан ўтирланиш самарасини ҳосил қилиувчи ва қайта таъмирлашгача белгилан шудгорлаш ҳажмини таъминловчи қаттиқ қотишма материалини танланг ва ушбу самарани ҳосил қилиш технологиясини асосланг.**

**3 -Кейс:** Таъмирлашга келтирилган двигателнинг поршен бармоғи унинг номинал ўлчамидан ейилиш натижасида 0,08 мм га кичиклашди. Бунинг

натижасида поршен бармоғи ва бобишқа тешиги ўртасидаги тирқиши ортиб кетгандык сабабли двигателнинг ёнилғи сарфи 8-10% га ортди ва двигател ишлаганда бирикмада таққиллашлар пайдо бўлди. Ушбу носозлик поршен бармоғини хромлаш йўлиан бартараф этиш мумкинлиги асосланди.

**Бунинг учун поршен бармоғида хромлашнинг қайси туридан фойдаланиш ва амалга оширилишини лозимлигини асосланг. Ушбу хромлаш жараённи қандай бажарилишини асосланг.**

**4-Кейс:** Автомобилнинг юқори компрессия халқасининг 70-90 минг километр йўл босгандан сўнг катта ейилиш микдорига эга эканлиги аниқланди, бунинг натижасида двигател цилиндрларида компрессияни 8-10% га пасайганлиги ва шлиндрнинг юқори ўлик нуқтаси атрофида цилиндрнинг юқори ейилиш телигига катта ейилиш ва двигател ишлаганда халқани мойланмаслиги натижасида содир бўлиши аниқланди. Юқори компрессия халқасида содир бўлган ушбу ҳолатни адабиётларда кетирилган маълумотларга ва амалда бажарилиши мумкин бўлган говвакли хромлаш йўли билан бартараф этиш мумкинлиги исботланди.

**Говвакли хромлашни жараёнинг қандай турлари мавжудлигини ва унинг қайси биридан фойдаланиш самарали эканлигини асосланг.**

**5-Кейс:** Болғаланувчан чўяндан ясалган двигателнинг тирсакли вали бўйинлари охирги таъмир ўлчамида таъмирлангандан ундан сўнг тўлиқ ресурсини ишлагагандан сўнг янв таъмирлашга келтирилди. Тирсакли вал бўйича ўткашилган микрометраж тирсакли вал бўйинларининг ейилиш даражаси охирги таъмир ўлчамлари чегарисидан кўпроқ ейилган.

**Ушбу трисакли вални қайси усулда таъмирлаш мумкинлиги тўғрисида бир ечимга келинг, агар тирсакли вални таъмирлаб бўлмаса уни асосланг.**

**6-Кейс:** Агар юк автомобилининг бош узатмаси етакланувчи цилиндрик шестернясининг кетма-кет жойлашган 2 дона тиши синиб кетган. Ушбу шестернядан вақтинчалик фойдаланиш мақсадида таъмирлаш талаб этилаётган бўлса, уни амалга ошириш технологиясини ишлаб чиқинг.

**Бу муаммони ечиш йўллари бўйича ўз мулоҳазаларингизни баён қилинг.**

## VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шархи	Инглиз тилидаги шархи
Адгезия	юзалари тегиб турувчи жинсдаги қаттиқ ёки суюқ жисмларнинг ўзаро ёпишиб қолиши	
Аккумулятор	кейин фойдаланиш учун энергия йиғадиган қурилма	
Алгоритм	бир турдаги масалаларни ечишда қўлланиладиган	

	амалларнинг мазмуни ва бажарилиш тартибини кўрсатувчи қоида	
Алифлар	ўсимлик мойлари ёки таркибида ёғ бўлган алкидли смолалар асосидаги материаллар; ранги сариқдан тўқ қизилгача бўлган тиник суюқлик, ёғоч ва металлга яхши суркалади. Сиртга юпқа суркалган мой полимерланиши натижасида қуриб сув ва органик эриткичларда эrimайдиган парда ҳосил қиласди.	
Антикоррозион қоплама	буюмларни ташқи муҳитнинг коррозион таъсиrlардан сақлаш кўркамлаштириш учун уларнинг сиртига қопланадиган юпқа қатлам	
Антифризлар	паст температураларда музламайдиган спирт, гликол, глицерин ва баъзи бир анорганик тузларнинг сувдаги эритмаси	
Антифрикцион материаллар	ишқаланиш шароитида ишлайдиган деталлар материаллари	
Арматура	асосий жиҳозларга кирмайдиган, лекин уларнинг нормал ишлаши учун зарур бўлган ёрдамчи, одатда, стандарт қурилма ва деталлар	
Ацетилин генератори	ацетилен олиш учун калций карбидини сув билан парчалашда фойдаланиладиган аппарат	
Болтли бирикма	машина деталларининг бир ёки бир неча болт ва гайкали биикмаси	

Вентиляция	хоналарда ростланиб туриладиган ҳаво алмашинуви, кишилар соғлиги учун мақбул бўлган ҳамда технологик жараёнлар, қурилиш конструкциялари ва жиҳозларини, материал, озиқ-овқат ва бошқаларни сақлаш талабларига жавоб берадиган ҳаво муҳитини яратиш тадбирлари системаси	
Бош узатма	автомобиллар ва бошқа ўзи юрар машиналар транмиссияларнинг тишли механизми, двигателдан яrim ўқларга буровчи моментни узатади ва етакчи ғилдираклардаги тортиш кучини оширади	
Бўёқлар	плёнка ҳосил қилувчи моддалардаги пигментларнинг бир жинсли эритмалари. Тўлдиргичлар, хиралаштирувчи моддалар пластификаторлар, эритгичлар ва бошқа қўшилмаларни ўз ичига олиши мумкин	
Дастгоҳ	ишлиов бериладиган предметлар маҳкамланадиган мосламага, шунингдек кўп ҳолларда механик қуроллар ва бошқа жиҳозларга эга бўлган иш столи	
Вибраёй ёрдамида эритиб ёпиштириш	вибрацияланиб эритувчи электрод билан сиртларни ёпиштириш, пайвандлашнинг бир тури	
Вулканизация	резиналар ишлаб	

	чиқаришнинг технологик жараёни, бунда каучук резинага айлантирилади. Вулканизация 140-200°C температурада ўтади	
Газ билан пайвандлаш	металл бюмларни пайвандлаш, бунда бириктириладиган қисм қирралари пайвандлаш горелкаси оғзида ёнувчи газ билан кислород аралашмасидан ҳосил бўлган газ алангаси ёрдамида эритилади	
Гайка бурагич	электр ёки пневматик юритмали дастаки машина, гайка, винтва бошқа маҳкамлаш деталларини бураб киритиш ва чиқариш учун хизмат қиласи	
Гайка калити	гайка ва винтларни бураб киргизиш ёки чиқариш учун ишлатиладиган дастаки асбоб	
Галваник қопламалар	ейилишдан сақлаш, уларни безаш, шикастланган буюмларнинг ўлчамларини тиклаш ваш у кабилар	
Гараж	автомобил, трактор, мотоцикл ва бошқалар сақланадиган, уларга техник хизмат кўрсатиладиган, улар жорий таъмирланадиган бино	
Гарантияли бузилмай ишлаш муддати	кетма-кет икки ишламай қолишилик орасидаги ўртача вақт. Гарантияли бузилмай ишлаш муддати техник ҳужжатларда ёки тайёрловчи билан буюртмачи орасида тузилган шартномаларда кўрсатилади	

Гидравлик кучайтиргич	гидравлик ижро этувчи механизмларнинг бошқарувчи органларини силжитадиган ва айни вактда бошқариш таъсирини кучайтирадиган қурилма	
Гидравлик тормоз	двигателлар синаладиган қурилма, кучни тормоз механизмига гидравлик юритма воситасида узатадиган тормоз	
Гидравлик узатма	механик энергияни етакчи элементлардан етакланувчи элементга иш суюқлиги ёрдамидаузатиш имконини берадиган механизмлар мажмуи.	
Дизел	сиқилишдан алангаларадиган ички ёнув двигатели. Дизел цилинтрида алангалаш поршеннинг сиқилиши натижасида бқори температурагача қизиган ҳавога ёнилғи пуркашдан ҳосил бўлади	
Динамик юклама	қиймати, йўналиши ёки қўйилган нуқтаси вакт бўйича тез ўзгариши билан характерланадиган юклама	
Ейилиш	бюмлар сирт қатламларининг ишқаланиш пайтида емирилиши (едирилиши) натижасида улар ўлчамлари, шакиллари, массалари ёки сиртқи ҳолатининг ўзгариши	
Жилолаш	материаллар сиртига ойнадай силлик қилиб ишлов бериш	
Ишламай	пухталикнинг асосий	

қолишилик	тушунчаларидан бири, объектнинг ишга яроқлилигини бузилиши	
Кавшарлаш	қаттиқ ҳолатдаги материалларни эритилган кавшар билан ажралмайдиган қилиб бириктириш	
Кинематик схема	шартли белгилар ёрдамида механизм звенолари ва кинематик жуфтлар тасвиранган схема	
Мойли бўёқлар	алифмойдаги пигментлар ва тўлдирувчилар суспензияси	
Пайвандлаш	пайвандланадиган қисмларни маҳаллий ёки умумий қиздириб, пластик деформациялаб ёинки уларнинг биргаликдаги таъсирида атомлараро боғланишни ҳосил қилиш йўли билан машина деталлари, конструкциялар ва иншоатларни ажралмас қилиб бириктириш жараёни	
Таъмирлаш	техника қурилмаларининг ишга яроқлигини тиклаш ўтказиладиган ташкилий ва техник тадбирлар	
Суюлтириб қоплаш	детал, кесувчи асбоб тифига газ ёки электр ёй ёрдамида пайвандлаш усули билан металл қоплаш; сирт қатламининг мустаҳкамлигини, ейилишга, кислотага чидамлилигини ошириш, шунингдек ейилган сиртларни тиклаш мақсадида бажарилади	
Техник хизмат кўрсатиш	ишлатилаётган ёки сақланаётган жиҳозларнинг пухталигини ишга тайёрлигини сақлаб	

	туришга қаратилган ташкилий ва техник тадбирлар	
Технологик карта	технологик хужжатнинг бир кўриниши; унда буюмга ишлов беришнинг барча жараёнлари ёзилади, операция ва уларнинг таркибий қисмлари, материаллар, ишлаб чиқариш жиҳозлари, асбоблар, технологик режимлар, буюмларни тайёрлаш учун керакли вақт, ишчи малакаси ва б. кўрсатилади	
Технологик жараён	масулотларни вақт ва фазо бўйича режали, маълум кетма-кетликда ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми ёки технологик операциялар мажмуи	
Технология	ишлаб чиқариш жараёнида тайёр махсулот олиш ишатиладиган хом ашё, материал ёки ярим фабрикатларнинг ҳолати, хоссаси ва шаклларини ўзгартириш, уларга ишлов бериш, тайёрлаш методлари мажмуи; хом ашё материал материал ва ярим фабрикатларга мос ишлаб чиқариш қуроллари таъсир этиш усуслари ҳақидаги фан	
Ултратовуш билан пайвандлаш	частоаци 20 кГц га яқин ултратовуш тебранишлардан фойдаланишга асосланган пайвандлаш. Бунда детал 0,1 дан 2 кН гача куч билан қисилади	

Флюс	шлак ҳосил қилиш ва таркибини ростлаш, жумладан рудадаги кераксиз жинслар ёки металлни оксидлайдиган махсулотларни биректириш учун шихтага киритилган минерал материаллар	
Флюс остида электр ёйи билан пайвандлаш	металлни оксидланиш ва азотланишдан ҳимоя қилиш мақсадида флюс остида электр ёйли пайвандлаш	
Фреттинг-коррозия	тебраниш натижасида деталларнинг жипс туташ ёки бир-бирининг устида сирпанадиган жойларда уларнинг сиртлари орасида микроскопик силжиш ҳосил бўлганда кузатиладиган коррозия	
Хониглаш	заготовканинг сиртини майда донадор абразив брусколар ўрнатилган махсус абор – хон билан пардозлаш	
Электрон нур билан пайвандлаш	ишлов берилаётган сиртни электрон тўпда ҳосил қилинган электронлар дастасини йўналтириб бомбредимон қилишга асосланган пайвандлаш	
Электр-шлакли пайвандлаш	асосий металл ва электродларни эриши шлакли ваннадан электр токи ўтган, унда ажralадиган иссиқлиқ ҳисобига содир бўладиган пайвандлаш	
Эмал бўёклар	пигментларнинг локлардаги суспезиялари	
Эмулсия бўёклари	поликрилат, поливинилцетат, стиролнинг бутадиёнлари	

	сополимерлари ёки бошқа полимерларнинг сувли дисперсияси асосидаги бўёқлар	
Эпоксид локлар	эпоксид смолалар ёки улар модефикациялари махсулотларининг органик эритгичлардаги эритмалари	
Эпоксид смолалар	макромолекуласида эпоксид группаси бўлган синтетик смолалар	
Қисилган ёй билан пайвандлаш	бириктириладиган деталларни қиздиришда фойдаланиладиган плазма оқимини магнит майдон билан қисиб пайвандлаш	
Химоя газлари муҳитида пайвандлаш	– ёй ёрдамида пайвандлаш усули; бунда ёй ва пайвандлаш ваннасини атмосфера ҳимоя қилиш мақсадида пайвандлаш муҳитига газ (водород, карбонат ангидрид гази, азот, гелий) юборилади	

## VII. Адабиётлар рўйхати

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

- Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
- Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
- Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-

2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нодавлат таълим хизматлари қўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги "Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 278-сонли Қарори.

#### **Махсус адабиётлар:**

22. Segin R Bello. Farm Tractor Systems Maintenance and Operation, 2012.
23. Omgx23532 Jo Operator's manual. John Deere tractors 100 Series. North American Version. Litho in U.S.A., 2010.
24. Macmillan R.H. The Mechanics of Tractor – Implement Performance. A Textbook for students and Engenders. Theory and Worked Examples, 2002.
25. Ernst G. Frankel. Management Technological Change. The Great Challenge of Management to the Future, 1990.
26. Шообидов Ш.А., Иргашев А. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникаси деталларини қайта тилаш методлари.— Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДТУ, I-қисм, 2008. 140 б.
27. Иргашев А., Шообидов Ш.А. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникаси деталларини қайта тилаш методлари.— Ўқув қўлланма. Тошкент: ТошДТУ, II-қисм, 2008. 120 б.
28. Шообидов Ш. А., Иргашев А. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари техник сервиси ва уларни таъмирлаш. Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТошДТУ, I-II-қисмлар, 2010.
29. <http://www.fueleconomy.gov>

#### **Интернет ресурслари:**

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.edu.uz>
3. <http://www.infocom.uz>
4. <http://www.press-uz.info>
5. <http://www.fueleconomy.gov>